БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 161 (7608)

12 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Пахтакор ўртоқлар! Қардош Озарбайжоннинг биз блан мусобақадош пахтакорлари бизга ўртоқларча ёрдам бериш учун келдилар.

Қардошларимизнинг келишига жавобан ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтирайлик, ҳарбир колхоз ва совхознинг ўз мажбуриятини бажаришига эришайлик!

Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг сталинча мустаҳкам дўстлиги!

Пахта тозалаш саноатини мавсумга пухта тайёрлайлик

Республикамиз пахтакорлари бу йил ўтган йилга қараганда мамлакатга кўпроқ пахта етказиб бериш ва пахтачиликни ривожлантиришдан иборат сталинча программани муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. 1950 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан қардош Озарбайжон республикаси ва Ўзбекистон ССР нинг пахтакор колхоз, совхоз ва МТС лари ўртасида тузилган ва кеча матбуотда эълон қилинган социалистик мусобақа шартномаси колхозчи деҳқонларимизнинг ғайрат ва ташаббусини янада кучайтириб юборди. Ўзбекистон пахтакорлари бу мусобақа шартномасида олинган социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажаришни ўзларининг шарафли ишлари, Ватан ва улуғ Сталин олдидаги муқаддас бурчлари деб биладилар. Қардош республика пахтакорларининг мусобақаси халқларимиз ўртасидаги сталинча дўстликни ёркин ифода қилади, ўзбек халқи блан қардош Озарбайжон халқи ўртасидаги дўстликни яна ҳам мустаҳкамлайди, ўзбек пахтакорларини совет пахтачилигини ривожлантиришда янги ғалабаларни қўлга киритишга сафарбар этади.

Пахта ҳосилининг йил сайин кўпайиб бориши ва йиғим-терим кампаниясининг бу йил эрта бошланиши пахта тозалаш саноатининг ходимлари зиммасига ғоят катта ва мас'улиятли вазифаларни юклайди.

Маълумки, республика пахта тозалаш саноати партия ва ҳукуматимизнинг ёрдами блан сталинча бешйилликлар даврида қайта қурилиб, энг янги техника блан қуролланди. Жуда кўп пахта заводларида қўл меҳнати блан бажарилиб келинган ишлар машиналаштирилди. Бу тадбирлар шу йилнинг ўзидаёқ пахта толасини ишлабчиқаришда урушдан аввалги даражадан, баъзи пахта тозалаш заводларида эса бешйиллик планда 1950 йилга мўлжалланган ишлабчиқариш даражасидан ҳам ўзиб кетиш имкониятини беради. Бу имкониятлардан тўғри фойдаланиб, меҳнат унумини кун сайин ошириш, кўпроқ маҳсулот ишлабчиқариш, мамлакатимиз тўқимачилик саноати корхоналарини хомаш'ё блан мўл-кўл та'минлаш — пахта тозалаш саноати ходимларининг энг муҳим ва асосий вазифасидир.

Тайёрлаш пунктлари ва пахта тозалаш заводларини янги мавсумга ўз вақтида ва пухта тайёрламасдан туриб бу вазифани муваффақиятли бажариб бўлмайди. Пахта тозалаш саноатининг командирлари, партия, касаба союз ва ҳўжалик ташкилотлари ҳозир бутун кучни янги пахта ҳосилини қабул қилиб олиш ва уни ишлаш мавсумига пухта тайёргарлик кўришга қаратишлари керак.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети «1950 йилда ҳосилни йиғиштириб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тўғрисида» деб чиқарган қарорида тайёрлаш пунктлари ва пахта тозалаш заводларини 15 августгача батамом ремонтдан чиқариш ва уларни 1950 йилги пахта ҳосилини қабул қилиб олиш ва ишлашга тайёрлаш вазифасини қўйди. Фарғона область, Олтиариқ районидаги Файзиобод пахта тайёрлаш пунктининг коллективи партия ва ҳукуматимизнинг бу қарорига жавобан социалистик мусобақани кучайтириб, пахта тайёрлаш пунктини муддатидан бир ой илгари ремонтдан чиқариш, янги пахта ҳосилини қабул қилиб олиш блан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни а'ло даражада ўтказиш, пункт территориясини кенгайтириб, пахта ғарамлайдиган янги майдончалар тайёрлаш мажбуриятини олган эди. Пунктнинг ишчи ва хизматчилари бу мажбуриятни тўла бажардилар. Пахта тайёрлаш пункти ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди, пахта ғарамлайдиган 6 та янги майдонча ташкил этилди, лаборатория бинолари жиҳозланиб, ёнғинга қарши кураш тадбирлари белгиланди.

Аммо, умуман олганда республикада пахта тозалаш саноатини мавсумга тайёрлаш қониқарсиз бормоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги, область пахта трестлари тайёрлаш пунктларини ва пахта тозалаш заводларини янги мавсумга ўз вақтида пухта тайёрлаш ишига большевикча раҳбарлик қилмаётирлар. Ҳосилнинг бу йил эрта пишиб етилиши ва пахта йиғим-теримининг барвақт бошланиши ҳисобга олинмаётир. Республика пахтачилик министрлиги пахта тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи Кассирский ва Узглавхлопка бош механика бўлимининг бошлиғи Кувалдин ўртоқлар тайёрлаш пунктлари ва пахта тозалаш заводларида ремонт ишларини тезлатишга амалий ёрдам бериш ўрнига, кабинетда ўтириб ҳархил маълумотлар тўплаш блан вақт ўтказмоқдалар. Мана шунинг учун ҳам улар жойларда ремонт ишларининг қандай бораётганлигини яхши билмайдилар. Тузилган графикка мувофиқ 10 июльгача республикадаги пахта тозалаш заводларида ремонт ишлари бошланиши керак эди. Запас қисмлар, ёғоч, шифер, цемент, темир, краска, алиф сингари қурилиш материалларининг ўз вақтида етказиб берилмаганлиги орқасида ҳануззгача 15 та пахта заводида ва жуда кўп тайёрлаш пунктларида ремонт ишлари бошланмади. Ремонт бошланган жойларда эса ремонтнинг сифатига э'тибор берилмаётир. Пахта тозалаш заводлари учун запас қисмлар тайёрлаб берувчи «Ташсельмаш», «Продмаш», «Под'ёмник», «Таштекстильмаш» заводлари берилган топшириқларни бажармаётирлар.

Шуни унутмаслик керакки, колхоз ва совхозларимизда етиштирилган мўл пахта ҳосилини ўз вақтида нобуд қилмай пунктларга ташиб олиш ва пахта заводларининг мўътадил ишлашини та'минлаш пахта тозалаш саноати ходимларининг ишида энг муҳим ва энг мас'улиятли даврдир. Пахта тозалаш саноатининг ҳарбир ходими буни яхши тушуниб олиши ва ремонт ишларини белгиланган муддатда а'ло сифатли ўтказиш учун астойдил курашмоғи керак. Пахта тозалаш саноатининг командирлари, партия, касаба союз ва ҳўжалик ташкилотлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, пахта тозалаш саноати корхоналарининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимларини янги мавсумга жуҳта тайёргарлик кўришга, она-Ватанимизга янада кўпроқ а'ло сифатли пахта толаси етказиб беришга сафарбар қилишлари лозим.

Илғорларнинг янги ватанпарварлик ташаббуслари социалистик корхоналаримизда ғоят катта имкониятлар борлигини очиқ кўрсатди. Илғорларнинг бу соҳадаги тажрибаларини оммалаштириш, ишда ижодий ташаббус кўрсатиш, завод ва пунктларда ишловчи жинчилар, лаборантлар ва молиянос кадрларнинг малакасини ошириш завод партия ташкилотларининг жонажон ишидир.

Партия раҳбарлиги — ҳарбир ишда муваффақият қозонишнинг гаровидир. Область, шаҳар ва район партия комитетлари пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларининг ишлари ҳақидаги масалаларни бюро мажлисларида муҳокама қилиб туришлари, ремонт ишларининг сифати устидан назоратни кучайтиришлари лозим. Пунктларни электрлаштириш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни кенг миқёсда машиналаштиришга алоҳида э'тибор бериш керак.

Пахта тозалаш саноатини мавсумга ўз вақтида ва пухта тайёрлаш, янги пахта ҳосилини қабул қилишни шайланиб кутиб олиш — пахта тайёрлаш идоралари ва пахта тозалаш саноатида ишловчи барча ходимларнинг шарафли бурчидир.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент область қишлоқ хўжалик илғорларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 20 майдаги Фармонига мувофиқ, 1949 йилда сувли ерларда **пахтадан** мўл ҳосил олганликлари, колхозлар эса ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятларини ва контрактация шартларини бажарганликлари, МТСининг 1949 йилда қилган ишлари учун натура ҳақини тўлаб бўлганликлари ва 1950 йил кўкламида экиш учун етарли миқдорда барча экинлар уруғини жамғариб қўйганликлари учун қуйидаги кишилар **мукофотлансин:**

ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН

1. **Воробьев** Михаил Николаевич — Қорасув МТСининг участка механиги. Ўзи хизмат қилган колхозларда 476,7 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,7 центнердан пахта ҳосили олган.

2. **Ганин** Николай Сергеевич — Қорасув МТСининг участка агрономи. Ўзи хизмат қилган колхозларда 476,7 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,7 центнердан пахта ҳосили олган.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БЛАН

1. **Ан** Синсан — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхозининг звено бошлиғи. 8,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 47,5 центнердан пахта ҳосили олган.

2. **Эшматов** Широм — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг бригада бошлиғи. 32 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,7 центнердан пахта ҳосили олган.

3. **Раймқулов** Турдиқул — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхозининг звено бошлиғи. 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 47,2 центнердан пахта ҳосили олган.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

1. **Абдувайитов** Бакир — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозининг звено бошлиғи.

2. **Акбаров** Деҳқонбой — Қорасув МТСининг трактористи.

3. **Алимбеков** Усмонбек — Қорасув районидаги «XVIII Партс'езд» колхозининг раиси.

4. **Алимқулов** Ғойибназар — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхозининг бригада бошлиғи.

5. **Олимов** Жўра — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозининг бригада бошлиғи.

6. **Алматов** Абдуназар — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхозининг звено бошлиғи.

7. **Ан** Петр Васильевич — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхозининг бригада бошлиғи.

8. **Арзибоев** Торажон — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи.

9. **Ортиқхўжаев** Турсунбой — Қорасув районидаги «XVIII Партс'езд» колхозининг звено бошлиғи.

10. **Ашуров** Жамол — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг бригада бошлиғи.

11. **Бадалов** Шароббой — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхозининг бригада бошлиғи.

12. **Бозорбоева** Қизларой — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхозининг звено бошлиғи.

13. **Байдаров** Ўрозқул — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозининг звено бошлиғи.

14. **Бегмонов** Ғойибназар — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхозининг звено бошлиғи.

15. **Бекмуродов** Мирзабек — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхозининг звено бошлиғи.

16. **Беликов** Василий Васильевич — Қорасув МТСи трактор бригадасининг бошлиғи.

17. **Блинсов** Николай Семенович — Қорасув МТСининг трактористи.

18. **Бўтаев** Амир — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхозининг звено бошлиғи.

19. **Воққосова** Малика — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг звено бошлиғи.

20. **Валиев** Жалолиддин — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхозининг а'зоси.

21. **Ғуломова** Робия — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи.

22. **Дадаматов** Нурмат — Юқоричирчиқ районидаги «Усмонобод» колхозининг звено бошлиғи.

23. **Деҳқонов** Туроб — Қорасув МТСининг трактористи.

24. **Жалилов** Ҳакимжон — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхозининг звено бошлиғи.

25. **Жониқулов** Тўлан — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозининг звено бошлиғи.

26. **Эрназаров** Қорабой — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозининг бригада бошлиғи.

27. **Элаев** Намоз — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи.

28. **Инсопов** Муйсин — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхозининг звено бошлиғи.

29. **Исоқов** Абдурашид — Қорасув МТСининг трактористи.

30. **Исломов** Намоз — Қорасув районидаги «XVIII Партс'езд» колхозининг звено бошлиғи.

31. **Қолиров** Довул — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозининг звено бошлиғи.

32. **Қодирова** Инобат—Қорасув районидаги «XVIII Партс'езд» колхозининг звено бошлиғи.

33. **Қаххоров** Жўра — Қорасув районидаги «XVIII Партс'езд» колхозининг звено бошлиғи.

34. **Кошанов** Раззоқ — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг звено бошлиғи.

35. **Қурбонов** Карим — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхозининг звено бошлиғи.

36. **Қўрғонбоев** Шокир — Қорасув районидаги «XVIII Партс'езд» колхозининг звено бошлиғи.

37. **Мамажонова** Мастон — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи.

38. **Мамасолиева** Тарбуз — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхозининг а'зоси.

39. **Маражабов** Носир — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг звено бошлиғи.

40. **Марзиёев** Мамажон — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи.

41. **Маҳмадалиев** Абдулҳаким—Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи.

42. **Мирзаев** Маҳмуд — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг звено бошлиғи.

43. **Назаров** Абдухолиқ — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхозининг звено бошлиғи.

44. **Норбеков** Раҳим — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи.

45. **Нортоев** Муҳамад — Қорасув районидаги «XVIII Партс'езд» колхозининг звено бошлиғи.

46. **Нишонов** Бўстон — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхозининг звено бошлиғи.

47. **Норматов** Верали — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхозининг звено бошлиғи.

48. **Пак** Михаил Филаретович—Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхозининг бригада бошлиғи.

49. **Ражабов** Холмат — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг звено бошлиғи.

50. **Раҳимов** Тошбой — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг звено бошлиғи.

51. **Раҳмонқулов** Аҳмад — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозининг звено бошлиғи.

52. **Собиров** Абдураим — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг а'зоси.

53. **Саитов** Исақул — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозининг бригада бошлиғи.

(ДАВОМИ БОР).

ЎРТОҚ СТАЛИННИНГ «ТИЛШУНОСЛИКДАГИ МАРКСИЗМ ҲАҚИДА ВА «ТИЛШУНОСЛИКНИНГ БА'ЗИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР» НОМ МАҚОЛАЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриёти ўртоқ И. В. Сталиннинг 1950 йил 20 июньда «Правда» газетасида босилган «Тилшуносликдаги марксизм ҳақида» номли ва 1950 йил 4 июльда «Правда» газетасида босилган «Тилшуносликдаги ба'зи масалаларига доир. Ўртоқ Е. Шенинниковага жавоб» номли мақолаларини ўзбек тилида айрим брошюралар ҳолида босиб чиқарди.

Брошюра кўп нусҳада нашр этилди.

Қардош Озарбайжон халқининг делегацияси Тошкентга келди

Қардош Озарбайжон халқининг делегацияси 11 июльда Тошкентга келди.

Делегацияга Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академик-секретари И. Д. Мустафаев бошчилик қилмоқда. Делегация составида Касум-Измайлов районидаги Ворошилов номли колхозининг звено бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини икки марта олган Басти Багирова, Озарбайжон ССР Пахтачилик министрининг ўринбосари Н. Г. Новрузов, Пушкин район партия комитетининг секретари Н. Абидов, Салья районидаги «Красний Азербайжан» колхозининг раиси К. Самедов, Тауз МТСининг старший агрономи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Охундов, Пушкин районидаги Тельман номли колхозининг звено бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Гасанова, Агдам районидаги Тельман номли колхозининг звено бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Керимова, Новрашен районидаги Мясников номли колхозининг раиси Ф. Жавадов, Геокчай районидаги Калинин номли колхозининг раиси А. Жабраилов, Сафарали районидаги Ленин номли колхозининг раиси А. Багиров, Мербашир районидаги Каганович номли колхозининг раиси М. Жавадова, Агдам районидаги «Азарбайжанская Конституция» колхозининг звено бошлиғи З. Канбарова, Акстафин районидаги «Искра» колхози партия ташкилотининг секретари А. М. Гусейнов, Оқсув район қишлоқ хўжалик бўлимининг агрономи Ш. Атакишиев, Собиробод районидаги Фиолетов номли колхозининг раиси А. Алескеров ва бошқалар бўлиб ҳаммаси 25 киши бор.

Тошкент аэродромида Озарбайжон делегациясини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси вазифасини ижро этучи Ш. Рашидов, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари Н. А. Муҳиддинов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари В. Я. Емцов ва В. Содиқова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Г. А. Габриэльян ва Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент область партия комитетининг секретари А. Тўхтабоев, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Г. Чиковани, Ўзбекистон ССР Пахтачилик министри А. Алимов ҳамда республика партия ва совет ташкилотларининг бошқа раҳбар ходимлари кутиб олдилар. Делегацияни Ўзбекистоннинг донгдор пахтакорлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Назарали Ниёзов, Тилла Тўронов, Райимберди Йўлдошев ва Абдуваҳоб Асанбоевлар ҳам кутиб олдилар.

☆

11 июль кечқурун Озарбайжон делегациясининг а'золари Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетида бўлдилар.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари А. Э. Ниёзов ўз нутқида Озарбайжон ва Ўзбекистон пахтакорлари ўртасида социалистик мусобақа шартномаси имзолашининг бутун Ўзбек халқи зўр хурсандчилик блан кутиб олганлигини айтди. Бу шартнома азалдан мустаҳкам дўстлик алоқалари блан боғланган икки қардош республикада пахтачиликни янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлади. Бирбирини қувватлаш ва кўмаклашиш, пахтачиликдаги иш тажрибаси блан ўртоқлашиш, камчиликларни ўртоқларча танқид қилиш, пахтадан юқори ҳосил олишга ёрдам қилди, Озарбайжон ва Ўзбекистон пахтакорларининг халқлар улуғ доҳиси ўртоқ Сталинга бераётган буюк ва'даларини шараф блан бажаришларига имкон беради.

Ўртоқ Ниёзов делегация а'золарини Ўзбекистон пахта далаларидаги ишларининг бориши блан таништириб, ғўза парваришидаги камчиликларни кўрсатиб ўтди. У, ғўза парваришининг энг муҳим даври бўлган шу кунларда Ўзбекистон пахтакорлари ҳамма ерда мўл ҳосил тўплаш учун бутун куч-қувватларини сарфлаётганликларини айтди.

Ўртоқ Ниёзов ўз сўзининг охирида республикада пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўзлади.

Озарбайжон делегациясининг раҳбари Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академик-секретари И. Д. Мустафаев айтдики, икки республика пахтакорларининг социалистик мусобақаси илғор иш тажрибаларини ўртоқлашишга хизмат қилади, мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантиришдан иборат сталинча программани амалга оширишга кучларини кучайтиришда янги, кудратли восита бўлади.

Озарбайжон пахтакорлари делегациясининг а'золари беш группага бўлиниб 12 июльда республиканинг областларига жўнаб кетадилар. (ЎзТАГ).

Қардош Озарбайжон республикаси пахтакорларининг делегацияси Тошкентда. Суратда: биринчи қаторда (чапдан ўнгга): К. Самедов, Г. Гасанова, С. Керимова, И. Д. Мустафаев (делегация раҳбари), Басти Багирова—икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган. М. Жавадова, З. Канбарова, Н. Абилов; Иккинчи қаторда: Н. Новрузов, А. Жабраилов, А. Алескеров, С. Бахтиозин, Ф. Жавадов, Ш. Атакишиев, А. Привольний, А. Бехбудов, А. Багиров, Шарифли, И. Охундов, А. Гусейнов, Ф. Содиқов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

Ўзбек халқи Стокгольм Мурожаатига бирдамлик блан қўл қўйиб, тинчлик ишига содиқ эканлигини намойиш қилмоқда

Қуриядан қўлингни торт!

Тошкент область, Оржоникидзе райони, Дўрмон қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг а'золари Америка ҳукуматининг Қурияда бошлаган агрессиясига қарши қаттиқ норозилик билдириш учун митингга тўпландилар. Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Зиё Холматов колхоз а'золарининг фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Англия-америка империалистлари тинчликни севучи жаҳон афкор оммасини янги уруш қучоғига тортиш учун турли найрангларни ишга солмоқдалар. Америка ҳукуматининг Қурияда бошлаган агрессияси биз, совет кишиларини ниҳоятда ғазаблантирди. Биз агрессия кучларининг Қурия ерларидан тезроқ қўлини тортишини талаб қиламиз!

Колхозимиз а'золари фидокорона меҳнат қилиб, бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шу кунларда пахта далаларида колхоз а'золарининг ғайрати ҳаркачонгидан ҳам кучаймоқда. Уларнинг ҳарбири мамлакатга мўл пахта ҳосили етказиб бериш иштиёқи блан тўлган.

Колхоз а'золари социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Улар бу йил мамлакатга 420 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан уруғлик пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар. Колхоз қишлоғидаги ишга яроқли ҳамма куч ғўзани парвариш қилишга чиқди. Бригада ва звеноларимизда кундалик нормани ошириб бажармайдиган битта ҳам колхозчи қолмади. Ҳамма пахта майдони учинчи чуқур чопиқ, культивация ва суғоришдан чиқарилди. Биз ҳозир ғўза қатор ораларини ишлашни янада кучайтириб юбордик.

Сталин қишлоқ советидаги «Правда Востока» колхози а'золарининг йиғилишида бригада бошлиғи, Ватан урушининг иштирокчиси ўртоқ Содиқ Султонов бундай деди:

— Биз, Америка қўшинларининг тинч Қурия қишлоқ ва шаҳарларини ўққа тутаётганлигига қаттиқ норозилик билдирамиз. Биз уларга: Қуриядан қўлингни торт! деймиз.

Йиғилишда колхоз раиси Омонов, колхозчи Қумри Зиёвуддинова, Ортиқжон Раҳматова ва бошқалар сўзга чиқиб, тинчликни сақлаш учун пахта далаларида фидокорона меҳнат қилиш кераклигини айтдилар.

Фарзандларимизнинг бахти учун

Тошкент шаҳар, Москва районида яшовчи Қаҳрамон она Муҳаррам Шамсимуҳаммедова мухбиримиз блан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

—Совет хотин-қизлари СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июль Фармонининг 6 йиллигини бутун дун'ёда урушга қарши, мустаҳкам тинчлик учун кураш кенгайиб бораётган бир вазиятда нишонламоқдалар.

Тинчлик биз учун, кўп болали ва ёлғиз оналар учун айниқса қадрлидир. Тинчлик бизнинг ғўдакларимизни вояга етказади, турмушимизни фаровон, боғларимизни бўстон қилади. Тинчлик севикли фарзандларимизни социалистик жамиятимизнинг муносиб гражданлари қилиб етиштириш учун имкон беради.

Шу йил баҳорда ўғлим Солиҳжон олий мактабни битириб, энергетик инженер бўлиб чиқди. Қизим Хуршида Ўрта Осиё Давлат университетининг химия факультетини, Моҳира медицина техникумини битирди, қизим Осиё педагог бўлиб етишди.

Катта болаларимдан Анвар, Ҳабир—инженер. Муршида — агроном, кичиклари ўқимоқдалар. Мен совет ҳукумати ва большевиклар партиясининг тинчлик сиёсатини жон-дилим блан қувватлайман. Шунинг учун ҳам биз бутун оиламиз блан Тинчлик тарафдорларининг атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги Мурожаатига қўл қўйдик. Бутун дун'ёда тинчлик учун курашга ўз ҳиссамизни қўшишга муяссар бўлганимиз блан ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.

Мен ва менинг ўғил-қизларим бундан кейин ҳам жонажон Ватанимизнинг қудратини янада ошириш учун жон-дилимиз блан меҳнат қиламиз.

Тинчлик тарафдорлари Доимий Комитетининг Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш қизғин давом этмоқда. **Суратда:** Тошкент область, Калинин районидаги Сталин номли 12-нчи ўрта мактабнинг ўқитувчиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи **Карим Саримсоқов** Мурожаатга қўл қўймоқда.
Р. Қўчқор фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тинчлик доим барқарор

Мамлакатимиз халқлари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги Мурожаатига зўр уюшқоқлик, бирдамлик блан қўл қўяётган кунларида америка агрессорлари Қурия ички ишларига аралашиб, озодликни севучи Қурия халқига қарши ҳужум бошладилар. Агрессорларнинг бу тажовузкорлигини совет кишилари ғазаб ва нафрат блан қарши олдилар. Чунки, совет кишилари кўп йиллар давомида япон империалистлари қўли остида эзилиб келган қурия халқининг озод бўлишини, ягона демократик республикада тинч яшашни истаганини биладилар.

Халқлар озодлигининг душмани, бутун дун'ёни қул қилиш ниятида бўлган америка империалистлари қурия халқини қонга ботирмоқда, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилмоқда. Биз совет кишилари ҳали уруш даҳшатларини унутганимиз йўқ.

Мен немис-фашист босқинчилар томонидан хароб қилинган шаҳар ва қишлоқларни ўз кўзим блан кўриб, шонли Совет Армияси сафида душманга қарши жангларда қатнашдим. У даҳшатли воқиалар ҳечқачон эсдан чиқиши мумкин эмас. Биз, америка тажовузкорларининг аэропланлари, танклари ва бошқа қуроллари қурия халқига қандай азоб-уқубатлар келтираётганини биламиз. Шунинг учун ҳам биз совет кишилари америка агрессиясига қарши қаттиқ норозилик билдирамиз. Америка қуролли кучларининг Қуриядан тезликда чиқарилишини талаб қиламиз.

Совет халқининг тинчликка бўлган мустаҳкам иродаси СССР Олий Советининг Баёнотида тўла ифода қилинган. Совет халқининг тинчлик учун курашда якдиллигини мен Москвада Союзлар Уйининг Колонна залида бўлган Тинчлик тарафдорлари Бутун Иттифоқ с'ездида кўрдим. С'ездда совет халқларининг вакиллари, ишчилар, инженерлар, олимлар, колхозчилар оташин нутқ сўзладилар, тинчлик учун курашга чақирдилар.

Биз қурия халқининг америка тажовузкорларига қарши қаҳрамонона курашн блан фахрланамиз. Уларга тўла ғалаба қозонишни тилаймиз. Бизнинг фикримиз озодлик, мустақиллик учун курашаётган қурия халқи блан биргадир. Биз Ленин—Сталин партияси раҳбарлиги остида улуғ Сталин етакчилигида коммунизм сари олға бормоқдамиз. Биз ҳардоим тинчлик тарафдоримиз. Урушни истамаймиз. Шунинг учун ҳам совет ҳукуматининг сталинча ташқи сиёсатини қизғин табриклаймиз. Стокгольм Мурожаатига қувонч блан қўл қўямиз.

Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиш колхоз далаларида мўл ҳосил учун мусобақани янада қизитиб юборди. Колхоз а'золари тинчлик учун овоз бериб, ҳар гектар ердан 50 центнер пахта етиштириш ҳақидаги мажбуриятни амалга ошириш учун янада зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Ғўзаларимизни 4-нчи парвариш, 2-нчи озиқлантиришни тамом қилдик. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргашбобо Хожиматов, Абдураззоқ Исмоилов бошлиқ юз центнер учун курашаётган звено а'золари 5-нчи чопиқни қизитиб юбордилар. Мен бошлиқ звено ҳам ғўзанинг 5 чопиғини ва культивацияни давом эттирмоқда. Биз бу йил звеномиздаги 6 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 100 центнердан пахта берамиз.

Ҳосил учун курашда ҳал қилучи июль ойида ғўзаларимизни яна 3 марта парвариш қиламиз.

Колхоз далаларидаги ғўзаларнинг ҳаммаси гуллади, айрим ғўзалар кўсак боғлайбошлади. Масалан, Тўрақул Худойқулов звеносининг далаларида ҳар туп ғўзада 5—6 кўсак бор.

Тинчлик тарафдорлари Мурожаатига қўл қўйган 267 колхозчи тинчлик номидаги сталинча вахтада туриб ғайрат блан иш бошлади. Стахановчи кетмончилардан Шарофат Қудратова, Малла Шоймардонова, Жума Имомов, Боймурод Эргашевлар 2 норма бажариб ишламоқдалар.

Бизнинг ягона тилагимиз шуки, тинчликнинг улуғ байроқдори, совет халқлари бахтининг ижодчиси ўртоқ Сталин кўп йиллар омон бўлсин.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Холмурод Ҳайитов,** Чархин районидаги Карл Маркс номли колхоз звено бошлиғи, Москвадаги Бутун Иттифоқ Тинчлик тарафдорлари с'ездининг вакили.

Адабий кеча

Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғининг эстрада биносида тинчликка бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Кечани Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзи раисининг ўринбосари шоир Уйғун очиб, қисқача нутқ сўзлади. Уйғун ўз нутқида бутун совет халқи блан бирга, ўзбек халқи ҳам Стокгольм Мурожаатига якдиллик блан қўшилганлигини ва Мурожаатига мамнунлик блан қўл қўяётганини айтиб ўтди. Уйғун сўзини «Тинчлик урушни енгади», деб тамомлади.

Кечада Сталин мукофоти лауреати шоир Ғафур Ғулом ўзининг тинчликка атаб ёзган «Яшасин тинчлик» номли ше'рини ўқиб берди. Шоирлардан Темур Фаттоҳ, Туроб Тўла, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Шуҳрат, М. Бобоев ўртоқлар ҳам тинчликка атаб ёзган янги ше'рларини ўқиб бердилар.

Ғайрат БОБОЖОН.
Наримон ОРИФЖОНОВ.

Мурожаатга якдиллик блан қўл қўйдилар

Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампанияси муносабати блан Янгийўл пахта заводининг клубида ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг бирнеча юз киши қатнашган йиғилиши бўлди.

Йиғилишда биринчи бўлиб электр цехининг бошлиғи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси орденли ўртоқ Валентин Холодков сўз олади. У СССР Олий Советининг Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети Мурожаатига хайрихоҳлик билдириб чиқарган Баёнотини бутун совет халқи якдиллик блан ма'қуллаб кутиб олганлиги ҳақида гапирди.

Ер куррасининг ҳамма бурчакларида,—деди ўртоқ Холодков, — тинчлик учун кураш ҳаракати кундан-кунга кучайиб бормоқда, тинчлик тарафдорлари лагери мустаҳкамланмоқда. Совет халқи бу ҳаракатнинг олдинги сафларида бормоқда. Ўртоқ Холодков барча ишчиларни, инженер техник ходимларни ва хизматчиларни якдиллик блан Стокгольм Мурожаатига қўл қўйишга чақирди.

Комсомол—ёшлар бригадасининг бошлиғи комсомол а'зоси Иван Корабельников минбарга чиқади:

— Совет ёшлари дун'ёда энг бахтли ёшлардир,—деди у. — Мамлакатимизда ёшлар учун билим олиш, маданий ҳаёт кечириш, ижодий меҳнат қилиш учун катта имкониятлар яратиб берилган. Шунинг учун совет ёшлари Қуриядаги америка агрессиясига ғазаб блан норозилик билдирадилар.

Сўнгра завод ишчиси, ВКП(б) а'зоси Галина Чипкунова сўзга чиқади.

— Биз урушни хоҳламаймиз. Биз фидокорона меҳнат қилиб, коммунизм жамияти қурмоқдамиз. Бизнинг вазифамиз урушдан кейинги сталинча бешйилликнинг охирги йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кучайтириб юборишдан иборатдир.

Йиғилишдан кейин Мурожаатга имзо тўплаш бошланди. Заводнинг бутун коллективи Мурожаатга якдиллик блан қўл қўйди.

МЕҲНАТ АҲЛИГА БОСҚИНЧИЛИК УРУШИНИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ

Заводнинг жўнатишга тахт қилиб териб қўйилган пахта териш машиналари турган ҳовлисига Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари тўпландилар. Мураккаб қишлоқ хўжалик техникасининг ижодкорлари қуюв цехи бошлиғининг ўринбосари С. С. Александровнинг сўзини диққат блан тингладилар. Ўртоқ Александров бутун дун'ёда тинчлик учун кураш тобора кенгаётганлиги, СССР Олий Советининг Баёноти ва Тинчликни ҳимоя қилучи Совет Комитетининг тарихий қарори тўғрисида гапирди.

Докладчи, сўзининг охирида тараққийпарвар инсониятнинг улуғ доҳиси ўртоқ Сталинга соғ ва саломатлик тилаб, унинг шарафига ҳурмат сўзларини айтар экан, йиғилиш қатнашчилари унинг бу сўзларини гулдурос қарсаклар блан қарши олдилар.

Пахта териш машиналарини йиғиштиручи ёш ишчи комсомол Файзираҳмон Худакеев жўшқин нутқ сўзлади:

— Мен Улуғ Ватан уруши йилларида заводга келган эдим ,—деди у.—Бу ерда ҳунар эгаси бўлдим. Ҳозирги вақтда ишлаш блан бирга, ўқимоқдаман. Шод ҳаёт кечирмоқдаман. Аммо уруш оловини ёқучилар меҳнаткашларга яна таҳдид қилмоқдалар. Биз тинчликнинг уруш устидан ғалаба қозонишига аминмиз. Чунки, Сталин биз блан биргадир! Совет ёшлари тинчликни сақлаб қолишда жонажон ҳукуматимизга ёрдам берадилар.

Инженер А. С. Муравьев, тунукасоз И. Р. Морозов, нормачи Л. М. Матюшенконинг нутқи қурия халқининг озодлигини поймол этишга қасд қилган америка империалистларига қарши ғазаб ва нафрат блан тўлиб-тошган эди.

Пахта териш машиналари қурувчилар коллективининг ҳамма а'зоси Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Стокгольм Мурожаатига қўл қўйди.

Хавфсизлик Советининг Қурия масаласи юзасидан чиқарган қарори тўғрисида Трюгве Ли жанобларининг ахбороти

«ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ.
МОСКВА.

Хавфсизлик Советининг 1950 йил 7 июльда бўлиб ўтган 476-нчи мажлисида қабул қилинган резолюциянинг текстини ма'лум қилиш шарафига муяссарман.

«Хавфсизлик Совети,

Шимолий Қурия қўшинларининг Қурия Республикасига қилган қуролли ҳужуми тинчликни бузади деб топиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг а'золари Қурия Республикасига қуролли ҳужумни қайтариш ва бу районда халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликни тиклаш учун зарур бўлган ёрдамни берсинлар деб тавсия этиб,

1. Бирлашган Миллатлар ҳукуматлари ва халқларининг Қурия Республикасига ўзини қуролли ҳужумдан ҳимоя қилиш ва шундай қилиб бу районда халқаро тинчлик ва хавфсизликни тиклашга ёрдам бериш учун Хавфсизлик Советининг 1950 йил 25 ва 27 июньда чиқарган резолюцияларини тез ва қат'ий қўллаб-қувватлаганликларини табриклайди,

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг а'золари Қурия Республикасига ёрдам бериш тўғрисидаги таклифларини Бирлашган Миллатлар Ташкитотига топширганликларини та'кидлайди,

3. Хафсизлик Советининг юқорида айтилган резолюцияларига мувофиқ, ҳарбий кучларни берувчи ва бошқа хилда ёрдам кўрсатучи барча а'золар Қўшма Штатларнинг раҳбарлиги остидаги бирлашган қўмондонлик ихтиёрига шундай кучларни берсинлар ва бошқа хил ёрдам кўрсатсинлар деб тавсия этади,

4. Қўшма Штатлардан бундай кучларга қўмондон тайинлашни сўрайди,

5. Бирлашган қўмондонликка Шимолий Қурия кучларига қарши операциялар давомида бу операцияларда қатнашучи турли давлатларнинг байроқлари блан бирқаторда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг байроғидан ўз хоҳишича фойдаланиш ваколатини беради,

6. Қўшма Штатлардан бирлашган қўмондонлик раҳбарлиги остида ўтказиладиган ҳаракатларнинг бориши тўғрисида Хавфсизлик Советига тегишли докладлар тақдим этишни сўрайди».

Трюгве Ли жанобларининг ахборотига Совет Ҳукуматининг жавоби

«БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ТРЮГВЕ ЛИ ЖАНОБЛАРИГА.
НЬЮ-ЙОРК.

Совет Ҳукумати Сизнинг телеграммангизни олди. Бу телеграммада Хавфсизлик Советининг ҳарбий кучларни ва бошқа воситаларни «Қўшма Штатлар раҳбарлигидаги бирлашган қўмондонлик» деб аталган қўмондонлик ихтиёрига топшириш тўғрисидаги, бундай кучларга қўмондон тайинлашни Қўшма Штатлардан сўраш ҳақидаги ва Қуриядаги ҳарбий операциялар давомида Бирлашган Миллатларнинг байроғидан фойдаланиш тўғрисидаги 7 июль тарихли резолюциясининг тексти келтирилади.

Совет Ҳукумати Хавфсизлик Советининг Қурия масаласи юзасидан 27 июньда чиқарган резолюцияси каби мазкур резолюцияси ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини қўпол равишда бузиш йўли блан қабул қилинган деб та'кидлайди. Бу резолюция Хавфсизлик Советининг икки доимий а'зоси, я'ни СССР ва Хитойнинг иштирокисиз қабул қилинган ва бунинг устига, мазкур резолюция еттинчи овозни ташкил этган ва Хитой вакили бўлиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган гоминданчи иштирок қилгани ҳолда олти овоз блангина қабул қилинган.

Юқорида баён қилинганларга биноан, Хавфсизлик Советининг бу қарори ҳам қонуний кучга эга бўлолмаслиги аёндир.

Бундан ташқари, Совет Ҳукумати қуйидагиларга э'тиборни жалб этишни зарур деб ҳисоблайди.

Хавфсизлик Советининг мазкур қарори Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги уруш ҳаракатларини ниқоблаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг байроғидан қонунга хилоф суратда фойдаланишни кўзда тутади. Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги уруш ҳаракатлари унинг қурия халқига қарши тўғридан-тўғри агрессия қилишидан иборатдир.

Буларнинг ҳаммаси Совет Ҳукуматининг, Хавфсизлик Кенгаши томонидан 7 июльда чиқарилган қарор, биринчидан, қонунга хилоф деб, ва, иккинчидан, қурия халқига қарши қуролли агрессияни ошкора суратда қўллаб-қувватлашдан иборат, деб айтишига асос беради».

ОНАЛАРНИНГ ОВОЗИ

КИРОВ РАЙОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА

«Победа» номидаги боғ-ўрмон паркида Тошкент шаҳар, Киров район хотин-қизларининг СССР Олий Совети Президиумининг «Ҳомиладор хотинларга, кўп болали хотинларга ва болали ёлғиз хотинларга давлат ёрдамини кўпайтириш, оналар ва болалар муҳофазасини кучайтириш, «Қаҳрамон она» деган фахрли унвон белгилаш ва «Оналик шуҳрати» ордени ҳамда «Оналик медали» деган медаль та'сис этиш тўғрисида» 1944 йил 8 июльда чиқарган фармонига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Бу тўғрида ўқитувчи ўртоқ Хайрова доклад қилди.

Фармон чиққанидан буён район бўйича кўп болали оналарга бир йўла 2 миллион 907 минг 880 сўм, нафақа бўйича 2 миллион 295 минг 612 сўм, ёлғиз оналарга 623 минг 215 сўм, жам'и бўлиб 5 миллион 556 минг 107 сўм давлат нафақаси берилган.

12 боланинг онаси ўртоқ Қумри Алимуҳамедова 6 йил ичида 45 минг 750 сўм, 11 боланинг онаси Мадина Аҳмедова 38 минг 750 сўм, 8 боланинг онаси Файзи Толипова 11 минг 990 сўм нафақа олганлар.

Ҳозир район бўйича 1659 та кўп болали ва ёлғиз она нафақа олиб келмоқда. Шулардан 909 киши орден ва медальлар блан мукофотланиб, 9 онага «Қаҳрамон она» унвони берилган.

Докладдан сўнг 11 боланинг онаси ўртоқ Оқила Ҳакимова сўзга чиқиб, бундай деди:

— Она ва болалик тўғрисида давлат томонидан қилинаётган ғамхўрлик учун ҳукуматимиздан, шахсан улуғ доҳимиз ўртоқ Сталиндан миннатдорман. Мен ҳукуматимизнинг Фармони чиққандан буён 53 минг сўм нафақа олдим. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мени бир енгил машина блан мукофотлади. Бу ёрдам 11 болани соғлом ва илмли қилиб тарбиялашимга ниҳоят катта мадад бўлди. Катта ўғлим индустриал институтнинг аспирантурасини битириб чиқиб, инженер бўлиб ишламоқда. Қолган болаларим ҳам турли олий ўқув юртларида, ўрта ва бошланғич мактабларда ўқимоқдалар.

Киров районидаги болалар сил касалхонасининг бош врачи ўртоқ Мунавварова она ва болаларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида давлат томонидан қилинаётган зўр ғамхўрлик ҳақида, районда ҳозир она ва болаларнинг соғлиғини сақлаш учун 13 ясли, 15 болалар боқчаси, болалар сил касалхонаси, 2 консультация ва 1 амбулатория ишлаб турганини гапирди. «Оналик медали» блан мукофотланган ўртоқ Иқбол Файзуллахонова ҳам ўз сўзида партия ва ҳукуматимиздан миннатдор эканини айтди.

Йиғилиш қатнашчилари совет хотин-қизларининг меҳрибони, улуғ доҳий Иосиф Виссарионович Сталинга табрик телеграммаси қабул қилдилар.

Машҳур рус флотчиси

(П. С. Нахимов вафот қилган кунга 95 йил тўлиши муносабати блан)

Адмирал Павел Степанович Нахимов вафот этган кунга 95 йил тўлди.

Адмирал М. П. Лазарев мактабида тарбияланиб етишган жанговар флотчилар ўртасида П. С. Нахимов алоҳида ўрин эгаллайди. Нахимовнинг Ватан ва флот олдидаги хизматлари ҳаммага аён. Унинг номи рус халқининг шон-шарафлар блан тўла тарихига абадий ёзилган. Рус флотининг Синоп бухтасида 1853 йил 18 ноябрьда қозонган ғалабаси, шунингдек 1854—1855 йилларда Севастополь мудофаасида кўрсатилган мислсиз қаҳрамонлик Нахимовнинг номи блан чамбарчас боғланган.

Ўз устози адмирал М. П. Лазарев блан бир қаторда П. С. Нахимов флот соҳасида алоҳида мактаб яратди, денгизчиларнинг жанговар тайёргарлиги соҳасида ўлмас ан'аналар вужудга келтирди. П. С. Нахимов ёшлигидан флотга хизмат қилди. У 1827 йилда Наварин жангида ғалаба қозонилганидан то 1855 йил 10 июль (28 июнь)га қадар, яни Малахов қўрғонида сўнгги жангда қатнашганига қадар рус армиясининг шон-шарафи учун курашди.

Павел Степанович Нахимов 1802 йилда Смоленск губерниясида унча бой бўлмаган помешчик оиласида туғилди. Нахимов ва унинг тўрт ака-укаси Денгиз кадетлар корпусида тарбияландилар. Нахимов корпусга 1815 йилда ўқишга кирди. Яхши ўқиди. 1818 йилнинг февраль ойида корпусни жуда яхши битириб, мичман бўлди.

Нахимов Болтиқ флотида хизматда қолдирилди. Сўнгра 1821 йилда Архангельскка хизматга юборилди, броқ у ердан тез фурсат ичида қайтарилиб, 36 пушкали ҳарбий «Крейсер»га тайинланди. У «Крейсер» узоқ сафарга чиқиши керак эди. Бу «Крейсер»га у вақтда иккинчи ранг капитан бўлган М. П. Лазарев қўмондонлик қилар эди.

Нахимов уч йиллик сафарда ўз билим доирасини кенгайтирди, катта тажриба ортдирди. Ҳарбий-денгиз хизматини астойдил севган Нахимов блан М. П. Лазарев ўртасида яқин дўстлик пайдо бўлди. Бу дўстлик Нахимовнинг йирик флотчи бўлиб етишувида катта та'сир кўрсатди.

Турк флотига қарши бўлган Наварин жангида Нахимов катта синовдан ўтди. Бу жангда кўрсатган мардлиги учун у капитан-лейтенант унвонини олди ҳамда 4-нчи даража Георгий ордени ва учта чет эл жанговар ордени блан мукофотланди. 1828 йилда Нахимов турклардан ўлжа қилиб олинган, руслар томонидан «Наварин» кемаси деб аталган кемада командир бўлиб хизмат қилди.

Нахимов 1834 йилда ўз устози Лазаревнинг илтимоси блан, Қора денгизга хизматга ўтказилди. У ерда, Қора денгиз флоти штабининг бошлиғи бўлган Лазарев қўл остида хизмат қилди.

Нахимов 1845 йилда контрадмирал унвонини олди. Шунда Лазарев уни тўртинчи флот дивизиясининг биринчи бригадасига командир қилиб тайинлади. Нахимовнинг қаҳрамонона хизмати туфайли, унинг флотдаги обрўси кундан-кунга ортаборди.

Нахимов тинч даврда ўз қўл остидаги денгизчиларни жанговар тайёргарлик руҳида тарбиялади. У ҳардоим Суворовнинг: «Та'лимда оғир бўлса — сафарда енгил бўлади, та'лимда енгил бўлса—сафарда оғир бўлади» деган та'лимотига амал қилди.

Қрим уруши бошланган вақтда Нахимов флотда 39 йил хизмат қилган, шундан 17 йили денгиз сафарларида ўтган эди.

☆

1853 йил кириб келди. Жаҳон тарихида даҳшатли воқиалар юз берди. Англия ва Франциядан мадад олган Туркия қўшинлари Карс ва Ардаган яқинида рус чегараларига тўпландилар. Шу муносабат блан Кавказда Россия—Туркия чегараларини мустаҳкамлаш зарурати туғилди. 1853 йилнинг сентябрь ойида Севастопольдан Кавказга қўшинлар келтирилди. Бу катта вазифани Нахимов бажарди. Бу ишдаги маҳорати учун Нахимов иккинчи даража Владимир ордени блан мукофотланди ҳамда вице-адмирал унвонини олди.

Шундай қилиб, Қрим уруши арафасида Нахимов флотда катта обрў қозонган, а'ло даражадаги денгизчи-флотчи бўлиб етишган эди. У Қора денгиз кемалари эскадрасининг қўмондони қилиб тайинланди.

Россия ўша вақтда Туркия блан уруш ҳолатида эди. Айни вақтда Туркия Россия блан дипломатия муносабатларини узганлигини э'лон қилди. Англия блан Франция Туркияни ёқлаб чиқдилар.

1853 йилнинг 11 октябрида турклар Галаца районида Дунай флотилиясининг кемаларига ҳужум қилиб уруш бошладилар. 18 октябрьда Қора денгизнинг жанубий соҳилидаги Туркиянинг Синоп қал'аси яқинида рус—Қора денгиз флотининг Нахимов қўмондонлигидаги эскадраси, Синоп соҳилидаги батареялардан мадад олган ҳолда, душман флотига атака қилди ҳамда қаттиқ жангда турк флотини тор-мор келтирди. Синоп таслим бўлди. Турк флотининг қўмондони асир олинди.

Синоп қал'аси учун бўлган жанг рус флоти ва рус ҳарбий-денгиз сан'ати тарихида энг порлоқ саҳифалардан бирини ташкил этади. Буюк рус флотчиси П. С. Нахимов Синоп жангининг қаҳрамони бўлиб шуҳрат қозонди. У 1853 йил 23 ноябрьда чиқарган фармонида эскадранинг шахсий составига қаҳрамонона жанги учун ташаккур билдирди, матросларни «шерлардай жанг қилдилар» деб мақтади. Синоп жангидаги ғалаба учун П. С. Нахимов 2-нчи даража Георгий ордени блан ва подшо ёрлиғи блан мукофотланди.

☆

Синоп жангида руслар қозонган ғалаба Англия ва Францияни Россия блан дипломатия мунособатларини узишга олиб келди. Улар Россиянинг қудрати ошаётганидан қўрқар эдилар. Босфор бўғозида жангга тайёр турган инглиз-француз флоти Синоп жангидан кейин, 1853 йил 22 декабрьда денгизга чиқди. Ўша куни инглиз-француз қўмондонлиги Туркия томонида туриб жанг қилажаги ҳақида рус қўмондонлигига хабар берди. Бу нарса русларни урушга тортиш эди. Инглиз ва француз матбуоти Россияга қарши ашаддий душманчилик руҳи блан суғорилган кампанияни бошлади. Англия ва Франция ҳукуматлари Россияга қарши игвони кучайтириб юбордилар.

Душман кемалари 1854 йил сентябрь ойида Евпаторияга кучли десант туширдилар. Сон ва техника жиҳатидан устун бўлган душман кучларининг тазйиқи остида рус қўшинлари чекинишга мажбур бўлдилар. Қримдаги рус армиясига ва Қора денгиз флотига князь Меньшиков бош қўмондон эди. У, Севастопольни ташлаб чиқди. Нахимов, Корнилов ва Истомин бошчилигидаги шаҳар ҳимоячиларининг бошига оғир кунлар тушди.

Севастополь мудофааси мислсиз қаҳрамонликни талаб этар, бир тўда ҳимоячилар, қуруқликдан мадад олмай туриб, бутун бир армияга қарши курашиб, Севастопольни қўлда сақлаб қолишлари керак эди. Ўша пайтда Севастопольни сақлаб қолиш ма'юсиз бир ишга ўхшаб кўринар эди. Броқ душман вақтни қўлдан бой бериб қўйди, севимли адмиралларнинг раҳбарлигидаги севастопольлилар эса, ақл бовар қилмайдиган даражада мардлик кўрсатдилар. Талантли инженер Тотлебеннинг плани асосида ажойиб истеҳкомлар қурилди. Нахимов душман ҳужумларини қайтариш ва узоқ вақт давом этадиган қамалга чидам бериш мақсадида қуруқликда мудофаа ташкил этди.

Севастопольнинг қаҳрамонона мудофааси 349 кун давом этди. Бу мудофаа рус кишиларининг матонати ва улуғворлигини бутун жаҳонга кўрсатди. Қаҳрамон Корниловнинг вафотидан кейин, севастопольлиларга шахсан Нахимовнинг ўзи раҳбарлик қилди. Нахимов Севастополь ҳимоячиларини шахсий намуна кўрсатиб, мислсиз қаҳрамонликларга илҳомлантирди. У севастопольлиларни оғир кунларда шундай тарбияладики, улар сўнгги нафасларигача сабот блан жанг қилдилар.

Севастополь мудофааси вақтида Нахимовга адмирал деган унвон берилди.

Севастополь мудофаасининг қатнашчиларидан бири ўз хотираларида шундай деб ёзади: «фавқулодда фидокорлик, душманга мислсиз нафрат, жонажон Севастопольни қутқариб қолиш учун қўрқувни билмай жанг қилиш, мислсиз қаҳрамонлик — Павел Степановичнинг гўзал фазилатлари эди».

1855 йил 10 июль (28 июнь)да Нахимов мудофаанинг энг хавфли участкаларини айланиб юрар эди. У Малахов қўрғонининг чўққисига кўтарилди. Душман ўқ ёғдириб турганига қарамай, Нахимов душман жойлашган ерларни кузатабошлади. Душманнинг мерганлари адмирални мўлжалга олабошладилар. Бир ўқ Нахимовнинг тирсаги тагида турган қопга келиб тегди. «Улар бугун чакки отмаяптилар» деди Нахимов. Душманнинг иккинчи ўқи Нахимовга келиб тегди. Адмирал йиқилиб ҳушдан кетди.

Буюк рус флотчиси икки кундан кейин, 12 июль (30 июнь)да вафот этди.

П. С. Нахимов мардликларга тўла ҳаёт йўлини шундай тугатди. Биз уни Синоп ва Севастополь қаҳрамони, оташин ватанпарвар сифатида эслаймиз. Ўз қаҳрамон фарзандлари блан ҳамиша фахрланиб келган Россия унинг номини ўз шонли тарихига олтин ҳарфлар блан ёзиб қўйди.

Нахимовнинг ўлими Россия учун оғир йўқотиш эди. Бу хабар Москвага етиб келди. Нахимовнинг замондошлари ўз хотираларида: «Москва аҳолиси оғир қайғу чекди, унинг номи тиллардан тушмади», деб ёзадилар.

Севастополь учун кураш Нахимовнинг вафотидан кейин ҳам давом этди. Мудофаанинг 349-нчи кунида рус қўшинлари Севастопольни ташлаб чиқдилар. Флот тугатилди. Лекин рус қўшинлари, шонли рус флоти душманга таслим бўлмади.

☆

Севастополь мудофааси шонли ҳимоячиларининг набиралари — совет денгизчилари 1941—42 йилларда Севастопольни иккинчи марта қаҳрамонларча ҳимоя қилдилар. Улар шонли рус шаҳри Севастопольни 1944 йилда немис ғазандалардан абадий озод қилдилар. Ўз қаҳрамон боболарининг шуҳратини мардлик ва шавкат кўрсатиб оширган озод совет Ватанининг шон-шарафи учун нахимовчасига жанг қилган денгизчилар Совет ҳукумати та'сис этган Нахимов ордени блан мукофотландилар.

Улуғ рус флотчиси Нахимовнинг шон-шуҳрати абадийдир.

Я. СЕРИИ.
Тарих фанлари кандидати.

ОЗАРБАЙЖОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

Тажрибаларимизни ўртоқлашиб, пахтанинг мўл ҳосили учун курашамиз

☆ ☆

ОЗАРБАЙЖОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНАМИЗ

Ўзбекистон ва Озарбайжон пахтакорлари, барча меҳнаткашлари кўп замонлардан бери бир-бирлари блан қардош ва дўстдирлар, уларнинг амалий ҳамкорлиги анʼана бўлиб қолган. Барча совет кишиларининг социалистик қурилиш соҳасида кундан-кунга кўпроқ муваффақиятга эришиш учун, социалистик Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш учун ватанпарварлик интилишлари уларни дўст қилиб бирлаштирган.

Совет Ўзбекистони ва Озарбайжонининг пахтакорлари кўп вақтлардан бери бир-бирларининг ишлари блан қизиқиб келадилар, бир-бирларига ўзаро ёрдам бериб, бир-бирларидан ўрганиб келадилар.

Ўзбекистон бундан 15—16 йил муқаддам Озарбайжонга бирмунча тажрибали пахтакорларини юборган эди. Улар ҳозирга қадар совет Озарбайжонида яшаб, меҳнат қилиб, пахтачиликни юксалтиришга ёрдам бериб келмоқдалар. Республикамиз урушдан илгариги ва урушдан кейинги йилларда Закавказьеда каналлар, зовурлар, сув омборлари қуришда, колхоз ирригация тормоғини ривожлантиришда ёрдам бериш учун у ерга мутахассислар ва халқ қурилишининг иштирокчиларини юбориб турди. Ўзбекистонли ирригаторлар ва гидротехниклар Озарбайжон ирригация системаси ва қурилишида ҳамон иштирок этиб ёрдам бермоқдалар. Озарбайжоннинг Ўзбекистонга ёрдами ҳам турли-туман ва хилма-хилдир. Бокулилар Фарғона водисига энг яхши пармалаш мастерларини юбордилар, улар бизнинг нефтьчиларимизни ўргатдилар. Тошкентлилар Ўзбекистон пойтахтини обод қилишга Боку ёрдам берганлигини яхши биладилар.

Озарбайжонда энг юқори ҳосилли Карагин районининг пахтакорлари 1947 йилда Янгийўл районининг колхозчиларини социалистик мусобақага чақирдилар. Ҳар иккала районнинг делегацияси бир-бирининг ишини текшириб, пахта учун курашда бир-бирига катта ёрдам кўрсатди. Мана шу икки районнинг мусобақаси эндиликда иккита катта пахтакор республика — Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг қудратли мусобақасига айланди.

☆

Ўзбекистон пахтакорлари делегацияси Озарбайжонда 10 кун бўлди. Делегация қардош Озарбайжон республикасининг 261 колхозида, 3 совхозда, 25 районида бўлди. Ўзбекистон вакиллари ҳамма ерда энг азиз меҳмонлар сифатида хурсандчилик блан кутиб олиндилар. Бизнинг Озарбайжон меҳнаткашлари блан учрашувларимиз халқлар ўртасидаги сталинча дўстликнинг ёрқин намойишига айланди.

Делегация ўз олдига — Озарбайжон ССР пахтачилик илғорларининг тажрибасини ўрганишни, Озарбайжон пахтакорларига ғўза парваришида йўл қўйилган камчиликларни тез фурсатда тугатиб, мўл ҳосил етиштиришда озарбайжонлиларга ёрдам кўрсатишни мақсад қилиб қўйди.

Шуни айтишимиз керакки, бир қатор камчиликларни очишга тўғри келди. Баʼзи районларда, жумладан, Сафарали, Жданов, Касум-Измайлов районларида катта-катта пахта майдонлари бўш қолганини, қарта четларида, зовурларнинг ёнида чигит экилмаган участкалар борлигини аниқладик. Ғўза парваришида бирқатор камчиликлар борлиги аниқланди. Бирмунча МТСларда культиваторнинг ишчи органларидан нотўғри фойдаланилмоқда, ерни майда-майда бўлакларга бўлиб, сифатсиз ишланмоқда, бостириб суғоришга, қўл блан ўғит сепишга, юзаки чопиқ ўтказишга ва ҳоказоларга йўл қўйилмоқда.

Биз камчиликларни кўрсатиб бериш блан бирга, уларни тугатишга амалий ёрдам ҳам қилдик. Чунончи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Омонбоев, Тўронов, Асамбоев ўртоқлар ўнлаб колхозларда «Фарғонача» чопиқни кўрсатиб бердилар. Республикада хизмат кўрсатган агроном К. Аминов ўсишдан қолаётган ғўзаларга қўшимча ўғит бериш усулларини ва бериладиган ўғит миқдорини кўрсатиб берди. Қорасув МТСининг старший механиги Х. Тожибоев, колхоз раиси Ортиқов ўртоқлар культиваторнинг ишчи органларини ўрнатиш, уларни бошқаришни амалда кўрсатдилар.

☆

Озарбайжоннинг кўп колхозларида ғўза жуда яхши ўсаётганини кўрдик. Ғўзалар Пушкин, Карягин, Алибайрам районларида айниқса бир текис ўсиб, ҳосил тўпламоқда. Бу районлардаги ҳарбир туп ғўзада ўрта ҳисобда 16 — 20 шона ва гул, уч-тўртта кўсак бор.

Озарбайжон агрономлари, тажрибакорларининг фикрича, республикада ғўза бултургидан анча яхши. Ўтган йил эса Озарбайжон пахта тайёрлаш планини ошириб бажарган эди. Демак, биз — Ўзбекистон пахтакорлари, Озарбайжоннинг илғор районларидан орқада қолмаслик учун ҳозирги вақтда зўр бериб ишлашимиз керак.

Сальян районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қудрат Самедов правление раиси бўлган «Красний Азербайджан» колхозининг ғўзаларини кўрган кишининг кўзи қувнайди. Бутун майдондаги ғўза текис, баланд. Ҳозирги кўсакларнинг ўзидан ҳар гектар ердан 20 — 22 центнердан пахта олиш мумкин, колхоз эса ҳар гектар ердан 45 цетнердан пахта етиштириш учун ғўзани сифатли парвариш қилмоқда.

Собиробод районидаги Фиалетов номли, Пушкин районидаги Ленин номли, Ворошилов номли, Карягин районидаги «1 Май», Сталин номли, Багиров номли ва бошқа колхозларда ҳам худди шундай яхши ўсган ғўзаларни кўрдик. Ҳозирги вақтда Озарбайжоннинг кўп колхозлари ва районлари пахта юзасидан олган ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, янада кўпроқ мажбуриятлар олаётган эканлар, бу ташаббус жуда табиийдир. Чунончи, Карягин райони, эндиликда Янгийўл блан мусобақасини мустаҳкамлаб, ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда ўтган йилга қараганда 5 центнер кўп ҳосил етиштириш мажбуриятини олди. Карягинлилар бунинг учун ҳамма имкониятларга эгадирлар.

Ғўза ўз-ўзидан яхши ўсабермайди. Пахтакорлар ва механизаторларнинг зўр бериб меҳнат қилишлари, илғор техникани изчиллик блан қўллаш, фанни илғор тажриба блан қўшиб амалга ошириш натижасидагина мўл ҳосил етиштириш мумкин. Озарбайжонда жуда кўп юқори ҳосил усталари, шонли пахтакорлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари бор. Касум-Измайлов районидаги Ворошилов номли колхоздан Маня Керемов Қозоқ районидаги Молотов номли колхоздан Исмар Мамедова ва бошқа ўнлаб илғор пахтакорлар бор. Халқнинг иккита шонли қизи — икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Басти Багирова ва Шамама Гасанова уларнинг ичида алоҳида ўрин эгаллайдилар. Багирова ва Гасанованинг номлари блан Озарбайжон халқи каби, мамлакатимиздаги барча пахтакорлар ҳам ҳақли равишда фахрланадилар. Чунки бу ажойиб пахтакорлар биринчи бўлиб икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олгандирлар.

Басти Масим қизи Багирова—Касум-Измайлов районидаги Ворошилов номли колхознинг звено бошлиғи. Унинг звеноси йилдан-йилга юқори ва барқарор ҳосил олиб келмоқда: 1945 йилда ҳар гектар ердан 50 центнердан, 1946 йилда — 105 центнердан, 1947 йилда — 111,2 центнердан, 1948 йилда — 90,7 центнердан, 1949 йилда — 100 центнердан ҳосил олган. Ўртоқ Багирова 17 йилдан бери машҳур пахтакордир

Шамама Маҳмуд қизи Гасанова — Карягин районидаги «1 Май» колхозининг звено бошлиғидир. У ҳам ёш пахтакорлар авлодининг вакили. Унинг ҳам пахтачиликдаги санʼати ва шуҳрати йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Бу икки марта қаҳрамонларнинг фазилатлари нимадан иборат?

Уларнинг асосий фазилатлари даставвал шуки, янгиликни дарҳол сезадилар, ишда янгиликни дадил қўллайдилар, ҳарбир ишда Мичурин фани йўлидан борадилар, яʼни уларда деҳқончилик соҳасидаги ҳақиқий усталарда бўлиши керак бўлган фазилатлар мавжуддир.

Озарбайжонда кўп вақтдан бери (афсуски, ҳозир ҳам) арат деб аталучи қишки ва кўкламги суғориш усули қўлланилади. Бу усулдан мақсад — нам тўплашдир. Кўп ёмғир ёғадиган ерларда ҳам, бахтга қарши, шу хил суғориш ўтказилади. Бу хилдаги суғориш ернинг тузилишини ёмонлаштиради, тупроқни зич қилиб қўяди, шудгорнинг аҳамиятини йўқотади, чунки арат баҳонаси блан шудгор иккинчи марта ҳайдалади. Шамама Гасанова ернинг унумдорлиги, ерни Вильямс усулида ишлаш системасини жорий этишни кўзлаб, аратдан воз кечди. Тўғри қилди. У пахтадан юқори ҳосил олиб, пахтачиликда зарарли бўлган аратнинг тарафдорларини ўз иши ҳақ эканлигига ишонтирди.

Икки марта қаҳрамонлар ғўзани якка равишда парвариш қилишга катта аҳамият берадилар. Уларнинг звеноларида ғўза қаторлари ҳарбир колхозчига бириктиб қўйилган. Бундан, албатта, ҳарбир кишининг ўз улушига тушган ишнигина бажариши кўзда тутилмайди. Бундай тор маʼнода ишлаш звено ва бригададаги ташаббусни бўғади. Қатор ораларини колхозчиларга бириктишдан мақсад — ҳарбир колхозчининг ўзига ажратилган қаторлардаги ғўзаларнинг ривожланишини ҳар доим кузатиб боришини ва секин ўсган, касалланган ғўзаларни тез ривожлантириш ва соғломлантиришни таʼминлашдан иборатдир.

Багирова ва Гасанова ўртоқлар бригада ва звено бошлиқларининг ғўзаларни тўла сақлаб қолиш учун шахсий жавобгарлигини ошириш ҳақидаги фикрни биринчи бўлиб илгари сурдилар. Ҳозирги вақтда Озарбайжондаги кўп колхозларда белгиланган зичликдаги ғўза қаторларини правление, МТС ва пахта пункти вакилларидан тузилган комиссиядан акт блан қабул қилиб оладилар ҳамда ҳарбир гектар ердаги ғўза миқдорини ҳосил йиғилгунга қадар сақлаб қолиш мажбуриятини оладилар. Бу тажриба ибратли экани ўз-ўзидан кўриниб турибди!

Басти Багирова ва Шамама Гасанова ғўзани биринчи марта ва июль ойида парвариш қилиш ҳосил тўплаш учун ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини ишда кўрсатдилар. Ғўзанинг кучли ўсиши ва ҳосил тўплаши учун ҳарбир шохда беҳисоб имконият борлигини улар тўғри тушунганлар. Шунинг учун ҳам қаҳрамонларнинг звенолари ҳозирги вақтда айниқса зўр бериб ишламоқдалар. Шамама Гасанованинг звено аʼзолари кеча-кундуз далада бўладилар. Улар ҳарбир минут учун курашадилар. Шунинг учун ҳам бу звенонинг ҳарбир ғўзасида ўрта ҳисобда 6 тадан кўсак, 20 тадан гул ва шона бор.

Колхоз меҳнатининг қаҳрамонлари Басти Багирова ва Шамама Гасанованинг тажрибаси фақат Озарбайжон пахтакорлари учунгина эмас, балки Ўзбекистон пахтакорлари учун ҳам намуна бўлишига ҳеч шубҳа йўқ!

★

Озарбайжонда илгариги вақтда республика активлари пахтакор колхозларга узоқ вақтга вакил қилиб юборилар эканлар. Ҳозирги вақтда эса районлардаги вакиллар — олимлар, қишлоқ хўжалигининг мутахассисларидирлар. Улар республика ташкилотларининг колхозларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини оширишга қаратилган чақириғига жавоб бериб, бу ишда ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Озарбайжон К(б)П Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Министрлар Совети ўз навбатида уларнинг обрўсини кўтарди, уларнинг колхозлар блан яхши алоқада бўлиб туришлари учун шароит яратиб берди, район ташкилотларига олимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фойдали ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини юклади.

Озарбайжоннинг 20 га яқин олим ва мутахассиси айрим районларни ва бир группа районларни оталикка олган.

Ўртоқ Оганов пахта ҳосили жиҳатидан энг қолоқ бўлган Огдош районини танлади. Районга бориш блан, агрономлар кенгашини ўтказди, агротехникадан унумли фойдаланиш тадбирларини белгилаб берди, ҳарбир район учун мувофиқ бўлган агротехника қоидаларини қўлланишда ҳарбир участка агрономига ёрдам берди. Ўртоқ Огановнинг ёрдами блан агрономларнинг ҳосил учун курашдаги обрўси ва роли ошди.

Колхозларни оталикка олган олим районга бориши блан ерни ишлашда илғор системани кенг жорий қилишга киришди. У икки йил ичида пахта ерларининг кўкламда ўтлоқ бўлиб кетишига хотима берди, яʼни шудгорни қайтадан ҳайдашни манʼ қилди. У оғир тупроқли ерларни ишлаш учун алоҳида борона-чизель ишлаб берди, кўп колхозларда бу чизельдан фойдаланилди. Ўртоқ Огановнинг тракторга тиркаладиган «утюг» ишлаб берди. Оралиғи 08 метр бўлган иккита 4 метрли ёғочдан ишланган бу асбоб ернинг қатқалоғини йўқотиш ва юмшатишда яхши иш берди. Ҳарбир колхозда мана шундай «утюг» бор.

Огдош райони икки йил ичида пахта ҳосилини икки марта оширди.

Олимларнинг колхозлар блан кундалик мустаҳкам алоқаси фақат пахтакорларнинг ўзларигагина эмас, олимларга ҳам ёрдам бермоқда. Олимлар колхоз ҳаётини яхши ўрганиб, ўз илмий ишлари учун ҳам бой материал топдилар, ўзларининг назарий тадқиқот ишларини амалда синаб кўрдилар. Республика ҳукуматининг Уджар районидаги вакили бўлиб ишлаш илмий ходим С. Алекперовга гумбрин номли янги ўғитни кенг кўламда ишлатиш имкониятини берди.

Ғўза парваришининг ҳозирги ҳал қилучи даврида олимлар ва мутахассислар ўз оталикларидаги колхозларга тез-тез бориб, уларга катта ёрдам бермоқдалар.

Озарбайжоннинг фан блан практика ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш соҳасидаги тажрибаси, бизнинг фикримизча, жуда қимматлидир, бу тажрибани кенг ёйса бўлади. Биз ишонамизки, бизнинг олимларимиз, қишлоқ хўжалик мутахассисларимиз озарбайжонлилардан намуна олиб, ўзларининг асосий ишлари блан бирқаторда, деҳқончилик маданиятини янада ошириш соҳасида амалий вазифаларни ҳал этишда районлар ва колхозларни оталикка олажаклар.

☆

Биз Озарбайжон колхозларида бўлиб, яна бирқатор бошқа қимматли тадбирлар амалга оширилаётганини кўрдик.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши олиб борилаётган кураш бизнинг эʼтиборимизни тортди. Ҳарбир районда далаларда олиб бориладиган амалий ишнинг аниқ ва ҳартомонлама пухта плани ишлаб чиқилган. Қишлоқ жамоатчилиги, пионер дружиналари, ўқучилар пахтани қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан, айниқса кўк куртдан сақлаб қолишда актив қатнашмоқдалар. Шу йил кўкламда Озарбайжон К(б)П Марказий Комитети секретарининг ўқучи ва пионерларни кўк куртни йўқотиш учун ёрдам беришга чақирган мурожаати республика газеталарида босилди. Ҳозирги вақтда далаларда юзлаб пионер ва ўқучиларни кўриш мумкин, улар қўлларига таёқчалар ушлаган ҳолда ғўзаларни оралаб юрадилар. кўк курт тарқатучи капалакларни тутиб ўлдирадилар. Озарбайжон давлат нашриёти ўқучиларнинг далаларни кўриқлашдаги иштироки темасида рангли плакатлар босиб чиқарган.

Агротехника пропагандасини уюштиришдаги фойдали тажрибани ҳам айтиб ўтиш керак. «Азернешр» республика нашриёти пахта мўл ҳосили учун кураш темаларида жуда кўп қимматли плакатлар чиқарган. Бу плакатларни колхозчилар севиб ўқимоқдалар ва ҳатто бошқа республикалардан ҳам шундай плакатларни талаб қилиб олмоқдалар, бизнингча, биз ҳам мана шундай плакатларни кўплаб чиқарсак жуда фойдали бўлур эди.

☆

Ўзбекистон ва Озарбайжон пахтадан юқори ҳосил олиш учун бир-бирлари блан социалистик мусобақа бошладилар. Бизнинг делегациямиз Озарбайжонга бориб келганидан кейин, қардош Озарбайжон республикаси бизга ҳам ўз вакилларини юборди.

Шубҳа йўқки, улар ҳам пахтачилик соҳасидаги, ғўза парваришидаги камчиликларимизни очиб берадилар, танқид қиладилар ва бу камчиликларни тезроқ тугатиш йўлларини кўрсатиб берадилар, шунингдек Ўзбекистон пахтакорларининг тажрибаларидан ҳам кўп нарса оладилар. Ўзаро ёрдам, ўзаро бир-биридан ўрганишга интилиш Озарбайжон ва Ўзбекистон пахтакорларига пахтачиликни янада ривожлантириш ҳамда Ватан, большевиклар партияси ва ўртоқ Сталин олдида олинган мажбуриятларни бажариш имкониятини беради.

Ш. РАШИДОВ — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг вазифасини ижро этучи (делегация раҳбари), Х. ОМОНБОЕВ — Андижон районидаги Дзержинский номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, А. АСОМБОЕВ — Янгийўл районидаги Каганович номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Т. ТУРОНОВ — Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Н. ЙЎЛДОШЕВА—Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Д. УБАЙДУЛЛАЕВ — Наманган районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, К. АМИНОВ — Республикада хизмат кўрсатган агроном, М. МАҲМУДОВ — Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрининг ўринбосари, У. ҲАЙДАРОВ — Ўзбекистон К(б)П Бувайда район комитетининг секретари, С. ҚАЮМОВ — Водил район ижроия комитетининг раиси, Д. КЛЕЙМЕНОВ — Сув хўжалик министрлигининг инженери, Т. ЖУРАБОЕВА — Олтинкўл районидаги Ленин номли колхознинг раиси, А. ОРТИҚОВ — Янгийўл районидаги Юсупов номли колхознинг раиси, Х. ТОЖИБОЕВ — Қорасув МТС нинг старший механиги, З. НУРИДДИНОВ — Чинобод район ижроия комитетининг раиси, Г. ДИМОВ — «Правда Востока» газетасининг махсус мухбири.

Басти Масим қизи Багирова (чапда) — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати, Озарбайжон ССР Касум-Измайлов районидаги Ворошилов номли колхознинг звено бошлиғи.

1947 йилда 5 гектар ернинг ҳар гектаридан 111,2 центнердан, 1948 йилда 6,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 90,7 центнердан ва 1949 йилда 6 гектар ернинг ҳар гектаридан 100 центнердан пахта ҳосили олганлиги учун иккинчи марта «Ўроқ ва Болға» олтин медали блан мукофотланган.

Шамама Маҳмуд қизи Гасанова — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Озарбайжон ССР Карягин районидаги «1 Май» колхозининг звено бошлиғи.

1947 йилда 5 гектар ернинг ҳар гектаридан 94,1 центнердан, 1948 йилда 6 гектар ернинг ҳар гектаридан 88,5 центнердан ва 1949 йилда 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 76,2 центнердан пахта ҳосили олганлиги учун иккинчи марта «Ўроқ ва Болға» олтин медали блан мукофотланган.

☆ ☆

БИРИ-БИРИГА ШОГИРД, БИРИ-БИРИГА УСТОД

Ғафур ҒУЛОМ

Бири-бирига шогирд,
Бири-бирига устод.
Шогирдлар қалб уйининг
Порлаган чароғидир.
Шогирд устоддан ўтса
Дил уйи шунча равшан.
Маʼрифат инсонга хос
Гўё кўз қароғидир.
Билимдон эгаларнинг
Қўлида чаман — Ватан.
Офарин умри блан

Шунчалар бўлиб обод,
Бири — бирига шогирд,
Бири — бирига устод.

Фузулий лирикасин
Булоқбоши устоси —
(Ўзи тан берганидек)
Шоир ота Алишер.
Муқимий ҳажвларин
Қаҳқаҳаси, садоси
Муаллимин кўрсатиб
Сайдазим Ширвоний — дер.
Бу икки халқ азалдан
Бири — бирига ҳамзод,
Бири—бирига шогирд,
Бири — бирига устод.

Полвонтошда қайнаган
Олтин нефть булоғлари
Таʼлим олди Бокунинг
Жаҳон хазинасидан.
Боку ёритар эди
Уйимиз чароғларин
Электрга кўчкунча
Маʼрифат зинасидан.
Бу икки эмикдош халқ
Қуёшлар қилиб ижод,
Бири — бирига шогирд,
Бири — бирига устод.

Қанчалар муборакдир
Қўлдаги қувватингни
Бахтлар иморатини
Турғозишга қилсанг сарф.
Идроку салобатинг,
Зиҳни-шижоатингни
Сарф этсанг халқинг учун
Нуқта-нуқта, ҳарфма-ҳарф.
Бу икки халқ қадимий,
Шунчалар олам-обод,
Бири — бирига шогирд,
Бири — бирига устод.

Янгийўл пахтакори
Камтарин санʼатини
Қардошлар кўз ўнгида
Қилар экан намойиш,
У аниқ биладики,
Шу қардош халқ меҳнати
Юртимизда таʼминлар
Омонлик ва осойиш.
Меҳнату шараф эмиш
Инсонни қилгучи шод.
Билмаганни ўрганиб
Бири — бирига шогирд,
Бири — бирига устод.

Билмаганни ўрганиб
Одамзод топди камол
Ва асрий илмимизнинг
Дебочаси-тўғроси
Сталин маʼрифати
Қуёшдай билмас завол.
Қардошлар гурунгининг
Кўрки-йигит оғаси
Эй устодлар устоди
Яша, соғ ўл, зиндабод!
Биз доим сенга шогирд,
Сен доим бизга устод!

ВАКИЛЛАРИМИЗНИНГ ҲИКОЯСИ

Тўрт киши қуюқ суҳбатлашмоқда. Улар Бокудан эрталаб ҳавога кўтарилиб Тошкентга кун яримламасданоқ етиб келганликлари, Озарбайжонда кўрган нарсалари ҳақида гаплашмоқдалар. Тошкентдаги партия мактабининг ўқучиси, Олтинкўл район партия комитетининг собиқ ходими Жаннатхон Ҳакимова Озарбайжондан қайттан дўстларини кўриш учун келди. У, Олтинкўлдаги Ленин номли колхознинг раиси Ўзбекистон пахтакорларининг — Озарбайжонга борган вакилларидан бири Турғуной Жўрабоева блан қуюқ сўрашди. Жаннатхонни — тўғриси суҳбатда иштирок қилаётган ҳаммамизни вакилларимизнинг мусобақадош Озарбайжон колхозларида кўрган нарсалари қизиқтирар эди.

Жаннатхон, Турғуной Жўрабоеванинг Озарбайжон колхозлари ҳақидаги сўзларини эшитар экан, колхозчи хотин-қизлар ҳақида, уларнинг иши ва ҳаёти ҳақида сўради.

— Хотин-қизларнинг ишига жуда қизиқдим,—деди Турғуной,—Озарбайжоннинг колхозчи хотин-қизлари Ўзбекистон хотин-қизларига салом айтишди. Улар пахта ҳосили учун астойдил курашиш блан, қишлоқларни обод ва маданиятли қилишда чинакам намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Биз Пушкин районида бўлганимизда, Тельман номли колхознинг звено бошлиғи Қизгаит Гасанованинг ишига қойил қолдик. Гасанова — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Ғўзасини кўриб, ҳавасимиз келди. Ғўзани шундай ишлаптиларки, даласи худди суратга ўхшайди. Белга урадиган бир текис ғўзалар шундай ҳосилга кириптики, ҳар тупида 50—60 шона, 10—15 гул, 5—7 кўсак санадик. Гасанова мени қучоқлаб, худди опа-сингилдак аҳвол сўради. У: Ўзбекистон пахтакорлари ҳар йили келиб бизга кўп қимматли маслаҳатлар беришаяпти, — деб, биздан миннатдор эканини айтди.

Суҳбатдошларимиздан бири — Андижон районидаги Дзержинский номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хожибой Омонбоев Турғуной Жўрабоеванинг сўзини бўлиб: мен блан мусобақа ўйнаганини ҳам айтиб қўйинг, — деди.

— Ҳа-я, — деб, сўзида давом этди Жўрабоева, — ўша Гасанова бу киши блан мусобақа ўйнади. Қўлингизни беринг, шартимиз ҳар гектаридан 100. деди. Бригада шийпонида ўтиришиб шартнома ёзишди, қўл қўйишди.

Турғуной Жўрабоева колхозчи хотин-қизларнинг одоби, маданияти, ишчанлиги ҳақида завқ блан гапирди. Озарбайжонга борган вакилларимиздан бири — Чинобод район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Зуҳриддин Нуриддинов Астраханбозор районидаги Багиров номли колхоз ҳақида сўзлади. 1800 гектар ерга экин экадиган бу колхозга кекса большевик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дунёмали Мамедов раислик қилади.

— Бу колхозда,—деди ўртоқ Нуриддинов,—қишлоқ хўжалиги ҳартарафлама ўсган. Қайси экинни, қайси мевани сўрасангиз, — бор. Илгари дашт бўлгач ерга ҳозир борган киши кўриб, бу ер— шаҳар, дейди. Аввал биз ҳам район марказига келиб қолдикми деб ўйладик. Билсак, бу жой Багиров номли колхоз қишлоғи экан. Қатор-қатор асфальт кўчалар, деразаси кўчага қаратилиб қурилган икки қаватли уйлар... Колхозчиларга қарашли бу уйларга кирдик. Ҳарбир хўжаликнинг уйи 6 хонадан иборат, чиройли қурилган. Уйларда стол, стул, кровать, шкаф, радиоприёмник, деворларда — чўғдек қипқизил гиламлар... Худди музей дейсиз. Даро[...] ҳам катта. Бир хўжалик доннинг [...]дан 15—20 тонналаб олган. Колхо[...] хотин-қизлар кир ювмас экан. Колх[...]да махсус кирхона, умумий ошхона [...] Истаган киши ўз уйида овқатини [...] ширавериди. Колхозчи аёл уйида [...] ёпмайди. Колхозда катта нонвойх[...] доим ишлаб туради. Тағин нима [...] дейсизми? Клуби, кино-театр бин[...] ўрта мактаби, туғруқхонаси, радиоу[...]ли, амбулаторияси, парткабинети, к[...] қироатхонаси, ҳаммоми бор қўйин[...] қишлоқ эмас шаҳар!

Бу қишлоқда кечаси юрсангиз [...] дуздагидек ёруғ. Ҳаммаёқ—электр. [...] қурунлари колхозчиларнинг бир т[...] кинога, бир тўпи парткабинетга ки[...] кетаётганини, ёшларнинг танца қил[...]ганини кўриб шодланасиз.

— Шу Багиров номли колхоз[...] раиси, — дейди Хожибой Омонбо[...] бизнинг раисни танир экан. Теш[...] Мирзаевни танийман, мендан салом[...]тинг, — деди. У, Дзержинский н[...] колхоз блан бу йил ҳар гектарда [...] центнердан пахта беришга мус[...] шартномаси тузди.

Хожибой Омонбоев ҳам, Турғу[...] Жўрабоева ҳам ўз колхозларида [...]гиров номли колхоздан, умуман О[...]байжон пахтакорларининг эришган [...]ваффақиятларидан олган таассуро[...]рини колхозчиларга ҳикоя қилиб б[...]дилар. Мусобақадошларимизнинг па[...] ва бошқа хил экинлардан мўл ҳо[...] олиш йўлида, колхозларни ташки[...] хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳ[...]да эришган муваффақиятларини ай[...] берадилар. Бу блан Озарбайжон ил[...] колхозларининг ўз колхозларида т[...]рибасини кенг ёйдилар.

Салоҳ ҲАСАН.

НАМУНАЛИ ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ

Озарбайжоннинг Шервон водисидаги Оқсув, Курдамир, Гиокчай, Огдош ва бошқа районларида бўлганимизда бизда катта таассурот қолдирган нарсалардан бири колхозлардаги дала шийпонлари бўлди. Қайси колхозга борсангиз бригадада маданий дам оладиган дала шийпони бор.

Дала шийпонлари бизнинг республикадаги колхозларда ҳам бор. Аммо Озарбайжон колхозларидаги дала шийпонлари дам олиш, тушки овқатланиш, ўқиш, ўрганиш учун жуда қулай ва пухта ишланган.

Гиокчай районидаги Калинин номли колхозда бўлганимизда 3 та бригаданинг дала шийпонларини бориб кўрдик. Ҳарқайси шийпонда 4 тадан хона бор. Буларнинг биттаси болалар яслиси, биттаси қироатхона, биттаси овқатхона, биттаси дам олиш хонасидир. Дам олиш хонасига гиламлар солиб қўйилипти. Қироатхонада колхозчилар учун энг керакли китоблар бор. Дала шийпони турли шиорлар, плакатлар ва доҳиларимизнинг портретлари блан безатилган.

Дала шийпонида колхозчи овқатланиб дам олиш блан бирга кўп нарса ўрганаолади. Деворларга колхоз бўйича қанча ерга пахта экилиб, гектаридан неча центнердан ҳосил олиниши, колхозчининг бу йилги даромади ва колхознинг илғор кишилари эришган муваффақиятлар ёзиб қўйилган. Агитаторлар турли газеталар, журналлардан мақолалар ўқиб берадилар, колхозчиларнинг баʼзи саволларига жавоб берадилар.

Озарбайжон колхозларидаги дала шийпонларида колхозчилар столдаўтириб овқатланадилар. Шийпонда ҳамиша қайноқ чой бўлади. Колхоз вра[...] кундузи далани айланиб, овқатларн[...] сифатини ҳам текшириб чиқади. Ов[...] пиширучи хотинлар оқ фартуқ ки[...]ган ва жуда озода.

Пахтадан мўл ҳосил етиштир[...] учун курашаётган колхозчиларга [...] шундай хизмат кўрсатиш уларнинг [...]га қизиқишларини яна ҳам оширган [...] колхозда колхозчиларнинг кўпчи[...] кундалик нормани тўла ва ошириб [...]жарадилар.

Мусобақадошларимизнинг бу таж[...]баларини республикамизнинг колхоз[...]рида кенг ёйишимиз лозим.

Карим АМИНОВ

Наманган область, Чортоқ ра[...] пахтачилик бўлимининг муди[...] Озарбайжонга борган Ўзбекис[...] пахтакорлари делегациясининг а[...]си.

Қуриядаги америка қуролли интервенцияси тўғрисида

(А. А. ГРОМИКО баёноти ҳақида буржуа матбуотида ёзилган фикрларга обзор)

СССР Ташқи Ишлар Министри Ўринбосари А. А. Громиконинг Қуриядаги америка қуролли интервенцияси ҳақида фактлар ва ҳужжатлар асосида Қуриядаги воқиаларнинг асл ма'носини очиб ташлаган баёнотини тараққийпарвар жаҳон афкор оммаси зўр мамнуният блан кутиб олди. Турли мамлакатлардаги тараққийпарвар доиралар совет сиёсати Қурияда агрессия бошлаган Қўшма Штатлар ҳукмрон доираларининг асл мақсадларини тамомила фош қилиб тинчлик ишига катта хизмат кўрсатди деб та'кидламоқдалар.

Тескаричи матбуот эса, аксинча, совет баёнотининг аҳамиятини камайтиришга зўр бериб уринмоқда, шу блан бирга ҳархил ёлғон, сохта ва муболағали гапларни ёзишдан ҳам тортинмаётир. Кўпгина тескаричи газеталар А. А. Громико баёнотида келтирилган фактлар ва инкор қилиб бўлмайдиган далиллар олдида паришон бўлиб, уларни Норвегияда чиқадиган «Моргенпостен» газетаси ёзганидек, бу баёнот «жаҳон халқларини жуда қизиқтирмоқда». «Нью-Йорк таймс» газетаси айтганидек, баёнот «жуда усталик блан» ёзилган, ёки бошқа газеталар да'во қилганидек, баёнот «э'тибор блан ўрганилиши» керак деган каби умумий гаплар блан андавалаб ўтишга уринмоқдалар.

Бирқанча газеталар совет баёноти жамоатчиликнинг турли табақаларида ғоят катта таассурот қолдирганлигини яшираолмайдилар. Масалан, Англияда чиқадиган «Иоркшир Пост» деган консерватив газета тўппа-тўғри «кўп кишилар бу баёнотга ишонишлари мумкин» деб ташвиш қилади, инглиз Марказий Информация Бюроси эса «бу айбларнинг ҳаммасидан қўл силтабгина ўтилиб бўлмайди» деб э'тироф қилишга мажбур бўлди. Англияда чиқадиган тескаричи «Дейли грэфик» газетаси ҳам шундай дейди: «Россиянинг Американи тинчлик душмани деб айблаб, унинг устига қўйган жиддий айбларини ҳеч қачон э'тиборсиз қолдираолмайди».

Тескаричи матбуот Қуриядаги америка агрессиясини оқлаш учун бирон жиддий далил келтираолмай, совет баёноти ҳақидаги ўз шарҳларида ҳархил ҳуқуқий баҳоналарни ва «совет пропагандаси» тўғрисидаги сийқа гапларни келтиришга ёки баёнотни ўз билганларича шарҳлашга мажбур бўлмоқда. Масалан, Англияда чиқадиган «Дейли геральд» деган лейбористлар газетаси А. А. Громико баёнотида келтирилган фактлардан кўз юмишга уринади. Газета «Қурияда уруш бошланиб кетишига лисинманчилар айбли эмас» деб да'во қилиб, «Жанубий Қурия қўшинлари етарли даражада кўп эмас эди», жанубий қурияликларда етарли қуролланмаган пиёда аскарларгина бор эди деган бема'ни далилларни келтиради ва ҳоказо.

Газета американинг Қурияга ёрдам комиссияти раҳбари Жонсоннинг баёни бу да'вони тамомила рад этганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Ма'лумки, шу йил 19 майда Жонсон америка конгресси вакиллар палатасининг молия масалалари блан шуғулланувчи комиссиясида гапириб, Жанубий Қурияда америка қурол-яроғи блан қуроллантирилган ва америка ҳарбий миссияси та'лим берган, «ҳарбир пайтда уруш ҳаракатлари бошлаб юборишга тайёр турган» 100 минг аскар борлигини айтган эди.

Шуниси қизиқки, инглиз ва америка буржуа матбуоти совет баёнотида келтирилган бу факт ва шу сингари фактлар тўғрисида лом-мим демаётир.

Масалан, А. А. Громико баёноти тўғрисида катта мақола босган «Нью-Йорк таймс» газетаси, Америка Қўшма Штатлари Хавфсизлик Советининг резолюцияси асосида Қурия ишларига аралашди, деган бема'ни гаплар блан кифояланди, ҳолбуки Хавфсизлик Советининг Трумэн таклиф этган резолюцияни кейинчалик суриштирмай ма'қуллаб қўя қолганлигини бу газетанинг газетхонлари билмасликлари сра мумкин эмас.

Совет баёнотида Хавфсизлик Советининг 27 июньда чиқарган қарори ғайриқонуний эканлиги ишонарли қилиб кўрсатилган. Шунга қарамай, кўпгина тескаричи газеталар ҳархил ҳуқуқий найранглар ёрдами блан Хавфсизлик Советининг бу шармандали резолюциясини қонуний деб кўрсатишга уринадилар. Жумладан, Франс Пресс агентлиги бу ишда айниқса зўр бериб, турли сохтакорликларни ишлатмоқда. Бу агентлик 5 июльда Франция ташқи ишлар министрлиги вакилининг баёнотини э'лон қилди. Баёнотда лисинманчилар шимолий қурияликларга ҳужум қилмадилар деб исботлашга уринилади, буни тасдиқлаш учун Қурия воқиаларининг бошланиши тўғрисида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қурия комиссияси» деб аталган комиссия томонидан тарқатилган беҳуда овозалар гўё кифоя эмиш. Франция вакилининг бу баёнотида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг биринчи моддаси ҳам далил қилиб келтирилади, шу асосда Хавфсизлик Советидаги доимий а'золарнинг ҳуқуқлари блан ҳисоблашмаслик ҳам мумкин деб да'во қилинади. Бунинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставидаги асосий принципларга хилоф эканлиги ма'лумдир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, юқорида айтиб ўтилган «Нью-Йорк таймс» газетаси Американинг Қуриядаги агрессив ҳаракатига Осиёдаги халқ оммаси қандай қараганлиги тўғрисида ҳарқандай хаёллар блан ўзини юпатаолмайди. Газета «миллатчилик, мустамлакачилик ва империализм Осиёда катта та'сир қиладиган масалалар» деб э'тироф этиб Қўшма Штатлар империалистик мулоҳазаларни назарга олиб иш кўраётганлари йўқ деб Осиё халқларини ишонтираолишига умид қилмайди. Аммо «Нью-Йорк таймс» газетаси Осиёдаги америка агрессиясига доир масалаларни «чуқур таҳлил» қилмай, ер куррасининг бу қисмида халқ оммаси томонидан америка империализмига зарба берилажагини имо қилиб ўтиш блан кифояланади.

Турли мамлакатларнинг ҳархил маслакдаги газеталарида ўртоқ Громико баёноти ҳақида ёзилган шарҳларда, шунингдек Американинг Қуриядаги агрессиясига берилган баҳоларда соғлом фикрларни ҳам учратиш мумкин. Англияда чиқадиган «Манчестер гардиан» деган либерал газета бундай деб э'тироф қилади: ғарбий давлатларнинг «кўпинча ўзларига ҳархил ярамас иттифоқчиларни қўшиб олаётганликлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини, албатта, виждон азобига солса керак. Ли Син Ман ҳукумати бунга мисол бўлаолади. Император Бао Дай эса бунга иккинчи мисол бўлса керак».

«Нью стейтсмен энд нейшн» деган ҳафталик лейбористлар газетаси ёзади: «Биз Жанубий Қуриядаги усул идора Хитойдаги Чан Кай-ши сингари сотқин, обрўсиз эканлигини ва ҳамма гражданлик эркинликлари қоидаларига бефарқ қараётганлигини яхши билганимиз ҳолда, ана шу усул идорани тиклаш ва, эҳтимол, уни бутун Қурияга ёйиш учун курашаётирмиз».

Ҳиндистонда чиқадиган «Таймс оф Индия» деган либерал руҳдаги ҳинд газетаси Қуриядаги америка агрессиясига тўхталиб, «Осиё аҳолиси бу қуролли интервенцияга ниҳоятда жиддий қарамоқда» деб ёзади.

Миср ҳукуматига яқин турган «Ал-мисрий» газетаси ёзади: «...Америка Қўшма Штатларининг ҳатто Хавфсизлик Совети қарор чиқаришини ҳам кутмай ва э'лон қилмай Қурияга қарши уруш бошлаганлиги мутлақо аён бўлиб қолди... Бундай шошма-шошарлик ҳам шуни исботлайдики, Америка бутун оламга ма'лум бўлган ва алоҳида изоҳ бериб туришни талаб қилмайдиган мақсадларни кўзда тутиб, учинчи жаҳон урушини турли бема'ни баҳоналар блан тезроқ бошлаб юбормоқчи бўлиб уринади, бунинг учун Америка жавобгардир...».

Покистонда чиқадиган газеталарнинг кўпчилиги Хавфсизлик Советининг Қурия масаласи юзасидан чиқарган резолюциясига тўғридан-тўғри ёки сиртдан қарши чиқмоқда. Масалан, Лаҳорда нашр этилаётган радикал руҳдаги «Им роз» газетаси ёзади: «Хавфсизлик Советининг қарори Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига хилофдир. Уставда айтилишича, Хавфсизлик Советининг ҳамма доимий а'золари якдиллик блан ма'қуллаган тақдирдагина бирон мамлакатга қарши жазо чоралари кўрилиши мумкин. Ҳолбуки Хавфсизлик Советида СССР вакили қатнашмади».

Турли мамлакатларнинг буржуа матбуотида Қуриядаги америка агрессияси ҳақида баён қилинган фикрларда якдиллик йўқ. Бунинг устига, Америка Қўшма Штатларидаги турли буржуа доиралари ўртасида ҳам якдиллик кўринмайди. Қуриядаги воқиалар ва шу муносабат блан Осиё халқлари ўртасида баён қилинаётган фикрлар Америка Қўшма Штатларидаги агрессив доираларнинг планларига мос келмаганлиги сабабли, Америка буржуа доиралари Қурия воқиаларининг оқибатига шубҳа блан қарамоқдалар.

Нью-Йоркда чиқадиган «Дейли Ньюс» газетасининг Вашингтондаги мухбири О' Доннел Трумэннинг Қўшма Штатлар Қурияда гўё «полиция чоралари» кўраётганлиги тўғрисидаги баёнотидан кулиб ёзади. О' Доннел, Трумэн конгресснинг розилигисиз уруш ҳаракатларини бошлади, гарчи сенат бачкана кишилардан иборат бўлсада, «демократлар ва республикачилар орасида ҳали конституция масалаларини жуда яхши билган ҳуқуқшунослар бор, улар Трумэннинг конституцияни поймол қилганлигини исботлаш учун пайт кутмоқдалар» деб ёзади.

«Нью-Йорк пост» газетаси Қуриядаги ва бутун Осиёдаги воқиалар америка империалистларининг планларига мувофиқ ривожланмаётганлигини яхши тушунади. Газета «қурия халқ оммаси америка қўшинларининг бостириб киришига бизнингча эмас, балки бутунлай бошқача қараганлиги равшанку, ахир» деб ёзади. Газета қуйидаги хулосага келади: «Бизда қурияликлар ҳамма ерда бизни қўллаб-қувватлаб эмас, балки душманлик кўзи блан қутиб оладилар деб ўйлаш учун анча катта асос бор».

Аммо буржуа газеталарининг кўпчилиги расмий америка ва инглиз пропагандасига кўркўрона эргашмоқда ва совет баёнотидаги энг муҳим хулоса ҳақида индамай ўтмоқда. Совет баёнотида бундай дейилган эди: «Хавфсизлик Совети Американинг ҳарбий интервенциясини сўзсиз тўхтатишни ва америка қуролли кучларини Қуриядан дарҳол олиб кетишни талаб қилганидагина, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчликни сақлаш соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажараолади».

ОБЗОРЧИ.

АМЕРИКА АГРЕССИЯСИНИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БАЙРОҒИ БЛАН НИҚОБЛАШГА УРИНИШ

НЬЮ-ЙОРК, 10 июль. (ТАСС). 7 июльда Хавфсизлик Совети а'золарининг мажлиси бўлди. Мажлисда Совет Иттифоқи вакили ва Хитойнинг қонуний вакили йўқ эди. Мажлисда Қурия масаласи яна муҳокама қилинди. Бу мажлис Қўшма Штатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан ўз агрессив сиёсати қуроли сифатида янада кенгроқ ҳажмда фойдаланишга уринаётганлигини кўрсатди.

Хавфсизлик Совети а'золарининг мажлисида раислик қилган норвегияли Сунде Қуриядаги «полиция чоралари» урушга айланиб кетди, «бу урушнинг анча давом этишини олдиндан айтиш мумкин эмас», деди.

Сўнгра Англия вакили Жебб сўз олиб, Қўшма Штатларнинг зўри блан ёзилган инглиз-француз резолюция лойиҳасини киргизди.

Резолюцияда қурия халқига қарши фойдаланилаётган аэропланлар, ҳарбий кемаларда ва бошқа қуролли кучлар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғидан ва эмблемасидан фойдаланиш таклиф этилади. Бу резолюцияда Қўшма Штатларнинг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қурияда ҳаракат қилувчи кучлари» деб аталган кучларга ўз қўмондонини белгилаши кераклиги ҳам кўзда тутилади. Ҳақиқатда эса резолюция Қурияга ҳужум қилган америка қўшинларини «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кучлари» деб э'лон қилади.

Хавфсизлик Советининг ба'зи а'золари гапиргандан кейин Сунде резолюцияни овозга қўйди. Қўшма Штатлар, Англия, Франция, Куба, Эквадор, Норвегия ва гоминданчилар тўдасининг вакили «резолюция»ни ёқлаб овоз бердилар.

Америка вакили Остин ўз нутқида очиқдан-очиқ Қўшма Штатлар томонидан тўқилган «резолюция»ни киргизган инглиз ва француз делегацияларининг лаганбардорлик ролидан айниқса хурсанд эканлигини англатиб ўтди.

ФРАНЦИЯДАГИ АГОНДАНЖ ШАҲРИДА ИОСИФ СТАЛИН НОМИДА КЎЧА

ПАРИЖ, 10 июль. (ТАСС). «Юманите» газетаси хабар беради: кеча Мозель департаментидаги Агонданж шаҳрида шаҳар советига коммунистлар узлуксиз раҳбарлик қилиб келаётганлигига 5 йил тўлганлиги муносабати блан шаҳар байрами бўлди.

Байрам вақтида 10 минг киши иштироки блан Агонданж шаҳридаги кўчалардан бирини Иосиф Сталин номига қўйиш маросими бўлди.

Байрамда Франция коммунистлар партиясининг бош секретари Морис Торез, шаҳар бошлиғи коммунист Ламм раҳбарлигида шаҳар идорасининг ҳамма а'золари, Мозель департаментидаги коммунистлар партияси уюшмасининг секретари, коммунистлар партияси Марказий Комитети а'золигига кандидат Мюллер, Мозель департаментидан Миллат мажлисига депутат қилиб сайланган Анна Шелль, Мозель департаментида коммунистлар партияси уюшмаси раҳбарлигининг вакиллари, Саар коммунистлар партиясининг секретари Николаи, шунингдек Озод немис ёшлари союзининг 80 кишидан иборат делегацияси қатнашди. Морис Торез байрамда сўзлаган нутқида Франция ҳукуматининг ҳалокатли сиёсатини қоралади. Бу сиёсат Маршалл плани доирасида агрессив иттифоқлар ва шартномалар тузишда кўринди. Морис Торез «Шуман плани»ни фош қилди. Морис Торезнинг айтишича, бу план француз металлургия саноатини ҳалок қилади. Мамлакатимиздаги барча оддий кишилар, — деди у, — бу сиёсатга қарши чиқмоқдалар. Ҳамма оддий кишилар ишчилар синфи атрофига жиплашмоқдалар ва француз коммунистлар партияси с'езди белгилаган программанинг амалга оширилишини талаб қилмоқдалар.

АМЕРИКА АЭРОПЛАНЛАРИ ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТЕРРИТОРИЯСИГА ЯНА КОЛОРАДО ҚЎНҒИЗИ ТУХУМЛАРИНИ ТАШЛАДИЛАР

БЕРЛИН, 10 июль. (ТАСС). АДН агентлиги билдиради: Германия демократик республикасининг ахборот идораси бир хабар э'лон қилди, хабарда бундай дейилади:

«1950 йил 5 июльда янги бир жиноят қилинди — Вейссензее (Тюрингия) районида Тюрингия ва Саксония-Ангальт ўлкалари ўртасидаги чегарага аэропланлардан яна колорадо қўнғизи тухумлари ташланди. Соат 18 блан 20 ўрталарида Вейссензее аэродроми устидан ва Келлед блан Лейбинген яқинидаги Эккартсберг (Саксония-Ангальт) райони устидан икки аэроплан учиб ўтди. Бир аэропланда америка белгилари борлиги аниқ ма'лум бўлди.

Шу аэропланлар учиб ўтганидан кейин Земмердада, Себастьян Бах кўчасида халқ полицияси хизматчиси Шенке колорадо қўнғизининг 250 тухуми уйилиб ётганлигини кўрган. Бу кўчада яшовчи аҳолидан Рот, Ленд ва Шнейдер ҳам қўнғиз тухумларини йиғишда қатнашиб, аҳолини хабардор қилганлар.

Земмерда-Вейссензее районининг аэропланлар учиб ўтган 11 жамоасида кўрилган тадбирлар натижасида 60.000 га яқин колорадо қўнғизи тухуми топилди.

Халқ полицияси аэропланларнинг қайси вақтда ва қайси ерлар устидан учганликлари тўғрисидаги хабарларни диққат блан текширди. Шу блан бирга ҳамма ердан олинган хабарлар бир-бирларига тўғри келганлиги аниқланди».

Сўнгра ахборот идорасининг хабарида америка аэропланлари учганлигини кўрган ва колорадо қўнғизи тухумларини йиғишда қатнашган турли жамоалардаги бирқанча кишиларнинг номлари келтирилади.

Ахборот идораси мазкур аэропланлар учиб ўтган жойлар одатдаги авиация йўлларидан четда эканлигини кўрсатиб ўтади.

Қуриядаги воқиалар

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 10 июль. (ТАСС). Пхеньян радиоси бугун Қурия Халқ-демократик республикаси Халқ армияси Бош қўмондонлигининг ахборотини эшитдирди.

Ахборотда айтилишича, Халқ армиясининг қисмлари фронтнинг ҳамма участкаларида жанубга ҳужумни давом эттирмоқдалар.

9 июльда шарқий соҳил районида Халқ армиясининг артиллерияси бир америка ҳарбий кемасини ботирди.

ПХЕНЬЯН, 10 июль. (ТАСС). Пхеньян радиоси Қурия Халқ-демократик республикаси Халқ армияси Бош қўмондонлигининг бугун кечқурун э'лон қилинган ахборотини эшитдирди. Ахборотда айтилишича, Халқ армияси қисмлари Чхонан (Тен Ан)нинг жанубидаги районда, америка авиацияси бомбардимон қилишига ва ўққа тутишига қарамай, ҳужумни давом эттирганлар. 9 июльда икки америка қирувчи аэропланы уриб туширилган.

ҚУРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛОНДОН, 10 июль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Токиодаги мухбири билдиради: Шимолий Қурия қўшинлари фронт бўйлаб кучли атака қилишлари натижасида америка аванпостлари қўлидаги катта йўл бўйлаб 15 километр илгари силжидилар. Шимолий Қурия қўшинлари шарқи-жанубий Қуриянинг дарвозаси бўлган Тэчжон томонига қараб бориш блан айни бир вақтда шарқ томонга ҳам силжиб бормоқдалар.

Кейинги расмий хабарларга қараганда, Чхонан (Тен Ан) темир йўл маркази яқинида бир америка батальонининг йўли кесиб қўйилган.

НЬЮ-ЙОРК, 10 июль. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири билдиради: Шимолий Қурия қўшинлари Чхонандан 19 километр жанубдаги пунктга етган бўлсалар керак.

Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири хабар беради: Макартур штабининг 10 июльда Токио вақти блан соат 3 да чиқарган ахборотига кўра, Шимолий Қурия қўшинлари жануб томонга силжишни давом эттирганлар.

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР КАБИНЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ПХЕНЬЯН, 10 июль. (ТАСС). Пхеньян радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Қурия халқ-демократик республикасининг жанубида адолатли солиқ системаси жорий қилиш ва аҳолига солинадиган солиқларни камайтириш мақсадида Қурия халқ-демократик республикасининг министрлар кабинети қарор қилди:

Қурия халқ-демократик республикасининг жанубида илгари лисинманчи қўғирчоқ ма'мурлар белгилаган солиқ системаси, я'ни халққа қарши бўлган зўравонликдан иборат солиқ системаси бекор қилинсин.

Республиканинг 38-нчи параллельдан жанубдаги озод қилинган территориясида ҳозирги вақтда республиканинг шимолий қисмида амалда бўлган солиқ системаси жорий қилинсин. Бу системадан ташқари солиқ солиш тақиқланади.

Озод қилинган территорияда ушбу солиқ системасининг бажарилиши ва амалга оширилиши ҳамда солиқ методларини белгилаш вазифаси Қурия халқ-демократик республикасининг молия министрига юклатилсин.

БРЮССЕЛЬ БИРЖАСИДА АКЦИЯЛАРНИНГ КУРСИ ТУШДИ

БРЮССЕЛЬ, 10 июль. (ТАСС). Қуриядаги воқиалар муносабати блан Брюссель биржасида акцияларнинг курси бирданига тушди.

«Дерниер эр» газетасининг хабарига кўра, Брюссель биржасида «умидсизлик ва ҳаяжон ҳукм сурмоқда». Сотилаётган акцияларнинг сони кундан-кунга кўпаймоқда.

Қишлоқлар обод бўлмоқда

Тошкент қишлоқ район, Қатортол қишлоқ советидаги «Қизил Шарқ» колхози кундан-кунга обод бўлиб, гўзал қишлоққа айланмоқда.

Яқинда 21 колхоз хўжалиги учун тураржой биноси, колхоз идораси учун етти хонали бино қурилиб, идора олдига Ленин ва Сталиннинг ҳайкаллари ўрнатилди. Колхозчи оналарнинг меҳнат унумини ошириш учун намунали болалар боқчаси учун бино қуриб битказилди.

Бундан ташқари, ёзлик чойхона учун бино қурилиб, у ерда Ленин бурчаги ташкил қилинди. Бурчак оммавий-сиёсий, адабий асарлар, агротехникага доир турли китоблар, кундалик газета ва журналлар блан та'минланган. Шунингдек, бу ерда 10 йиллик мактаб биноси қурилмоқда. Қишлоқни радиолаштириш мўлжалланмоқда.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.
К. НАЗАРОВ.

Янги мактаб биноси

Фарғона область, Бағдод район, Чувалачи қишлоқ советидаги «Иттифоқ», «Ленин йўли», «Ёш ленинчи», Маленков номли, «Қизил аскар», Менжинский номли колхозларнинг а'золари қишлоқ совети қошида 7 йиллик янги мактаб биноси қуриш мажбуриятини олган эдилар.

Ҳозир қишлоқ советидаги ҳамма колхоз уюшқоқлик блан иш бошлади. Мактаб 1 сентябрьгача битказилиб, ишга туширилади.

М. ШАРИПОВ.

Қисқа сатрларда

Нукусдаги ёзлик кино-театрда тинчликка бағишланган кино-фестиваль ўтказилди. Минглаб томошабин «Берлиннинг таслим бўлиши», «Сталинград жанги» каби бирқанча энг яхши совет фильмларини кўрди.

☆

Наманган область маданий-оқартув муассасалари бўлими қишлоқ кутубхона ходимларининг семинарини ўтказди. Семинар қатнашчиларига қишлоқ кутубхонасининг ишини ташкил қилиш тартиби, ўзбек совет адабиёти, хотин-қизлар ўртасида ишлашдаги вазифалар ва халқаро аҳвол ҳақида лекциялар ўқилди.

☆

Қашқадар'ё область, Бешкент районининг марказида янги кино-театр очилди. Ҳозир экранда «Сталинград жанги» кино-фильми кўрсатилмоқда. (ЎзТАГ).

☆

Самарқанд область, Пахтакор район, Раҳимқул қишлоқ советидаги «Қизил байроқ» колхозида янги клуб ва правление учун бинолар қурилди. Ҳозир электр станция ҳамда янги ўзлаштириладиган ерларни суғориш учун насос қуриш иши тамомланай деб қолди.

С. Мирзаев.

☆

Қорақалпоғистон АССР, Қипчоқ районидаги 2-нчи МТС да янги радиоузел қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир МТС ходимларининг уйларига симлар тортилиб, карнайлар ўрнатилди. Шунингдек, Жданов ва Ленин номли колхоз а'золарининг уйларини радиолаштириш, радиоузелга микрофон ўрнатиб, илғор тракторчиларнинг микрофон олдига чиқишларини уюштириш мўлжалланмоқда.

А. Эшматов.

Янги парк қурилишида

Тошкент шаҳридаги маданият ва истироҳат боғлари сафига яқинда Октябрь районида генерал Собир Раҳимов номига очиладиган боғ-кўл ҳам қўшилади. Ҳозир бу қурилишда қизғин иш бормоқда. Боғ қурилишида райондаги ташкилотларнинг ходимлари, маҳалла аҳолилари актив қатнашмоқдалар.

Ҳозир боғда қизил чойхона биноси тикланди, қайиқ станцияси қурилди. Яқин кунларда бу ерда қайиқ станцияси кенгайтирилади, кино-театр, ресторан очилади, қизил чойхона ёнида кутубхона иш бошлайди.

И. ШОҒУЛОМОВ.

Мас'ул муҳаррир
Ҳ. ҒУЛОМОВ.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» (қишки) — 1-нчи залда **Фигаронинг тўйи**, 2-нчи залда рангдор фильм **Дунай фарзанди.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Фигаронинг тўйи.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 9 ва 11 да Рус масаласи.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кечқурун Адмирал Нахимов.

«РОДИНА» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 9 гача), «ХЕВА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз), «УДАРНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 дан кеч 8 гача), ёзги «ТЕЛЬМАН» кинотеатрларида

Жуковский

деган янги бадиий фильм кўрсатилади.

Совхозлар министрлигининг

ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

Тошкентда ва жойларда ишлаш учун:

қурилиш бошқармаларининг бошлиқлари, бош инженерлар, прораблар вазифасига **механик ва бинокор инженерлар; ирригатор инженерлар, нормаловчилар, қурилиш мастерлари, план бўлимларининг бошлиқлари, экономистлар, бош бухгалтерлар ва бухгалтерлар,** малакали **бинокор ишчилар**

К Е Р А К

Адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 4-нчи уй.

«ГЛАВКИНОПРОКАТ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

РЕСПУБЛИКА КИНОТЕАТРЛАРИДА КЎРСАТИШ УЧУН

ДЕГАН БАДИИЙ ФИЛЬМНИНГ ЯНГИ ОВОЗЛИ НУСХАСИНИ ЧИҚАРАДИ.

Постановкачи — **Сергей Эйзенштейн,** сценарий автори — **Н. Агаджанова,** режиссёр ассистенти — **Г. Александров,** бош оператор — **Эдуард Тиссэ.**

Бу фильм 1925 йилда ишланган.

Овозли нусхасида:

Рижиссёр — **С. Казаков,** текст таҳрири — **О. Леонидовники,** композитор — **Н. Крюков,** овозга олучи оператор — **Е. Кашкевич,** оркестр — СССР Кинематография министрлигиники, дирижёр — **А. Гаук.**

Фильмнинг овозли нусхасини Ленин орденли «Мосфильм» киностудияси ишлаган. «Главкинопрокат» чиқарган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 04645. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1103.